

ИШОНЧ

6
1992 йил
10 февраль
(45)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Юз сатр дил сўзи

ОДАМ ОДАМГА КЕРАК

Бошор иқтисодиёти муносабати билан кўпгина меҳнат жамоаларида «штат қисқартиш» ташвиши бошланиб кетди. Кимдир хафа, кимдир ночор аҳволда қолди. Кимдир ишбилармонлик ёки таниш-билиш орқали маоши янада кўпроқ иш топиб кетди.

Юзак қараганда «Ха, энди буюм кўпга келган бир тўй-да» деб қўл силтаб қўя қолиш мумкин. Йўқ, тош тушган жойини эзади. Бу воқеа замирида инсон тақдири деб аталмиш гоятда муҳим, нозик масала кўндаланг ётибди. «Етти ўлчаб бир кес» мақолига худди мана шу ишда айниқса қаттиқ риоя қилиш, шошилинч хулоса чиқармаслик, жамоа фикрини инобатга олиш керак. Ниҳоятда ақл-идрок, инсоф ва адолат билан иш тутмоқ бугунги иқтисодий танглик кунларида ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Раҳбарлар ходимнинг бугунги меҳнат қобилияти-ю, лаёқатига баҳо бераётганда у босиб ўтган катта меҳнат йўлига, жамоада топан обрўйига ҳам бир назар ташлаб қўйишлари ҳам қарз, ҳам фарз. Балким унинг бутун умри, ёшлиги, соғлиги шу ишга, шу жамоа бахт-саодати йўлига баҳишида бўлиб кетгандир.

Одатда бундай пайтда кўп масалалар жамоа аъзолари билан келишган ҳолда ҳал этилади. Шу тўғри. Сир эмас, ҳар бир жамоада тезкор ва суст, ташаббускор ва лоқайд, ҳалол ва устамон ходимлар бўлади. Уларни жамоа аъзолари ҳам яхши биладилар. Штат қисқариши пайтида кўпчилик нимани лозим топса — шунга қўйиш керак. Чунки ҳақиқатни сўзлаган, раҳбарнинг камчилигини юзига айтган ходим яхши ишлашидан, ақл-идрокдан қатъи назар «штат қисқартиш»га тушса-ю, раҳбарни мақтаган, унга хушомад қилган, хизматини қўйи-қўйлаб бажарган ношуд ходим жойида қолаверса — бу адолатдан бўлмайди. Юсуф хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асаридан шундай эзади:

Укувли, идрокли бўлса қай одам
Киши деб атагин, мактагин ҳар дам
Ёвузни эзгу тут, кичикни улуг
Укув — идрок, билим бўлса унда жам.

Ҳар бир раҳбар эзгули, адолатли бўлиши жуда-жуда зарур. Ани шунда у инсон ҳуқуқларини поймол қилмайди, шикоятларга ўрин қолдирмайди.

Штат қисқартиш масаласида айниқса кўп болали аёллар, «Қаҳрамон она»лар тақдирига эътиборли бўлайлик. Баъзи раҳбарлар ишни аёллар штатини қисқартишдан бошлайдилар. Негаки аёлларнинг ҳомиладорлик отпускалари, касал бўлишлари, болага қараш учун руҳсат сўрашлари ҳамма раҳбарга ҳам ёқавермайди. Аммо лекин аёллар бор жойда ҳаёт бор, келажак бор. Шунини унутмасак яхши бўлади.

Санъат МАҲМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС УҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ПРОФЕССОР-УҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИГА, ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИ ВА ТАЪЛИМ-ЁРДАМЧИ ХОДИМЛАРИГА ҚУШИМЧА ИМТИЕЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг, илмий ходимлари ҳамда таълим-ёрдамчи ходимларининг моддий ва маънавий шароитларини янада яхшилаш, нархлар эркин бўлган шароитда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча тоифалардаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларида тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрдаги фармонининг қуйидаги қисмлари қайси идорага бўйсунушидан қатъи назар республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибига, илмий ходимлари ва таълим-ёрдамчи ходимларига ҳам жорий этилсин:

— улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб бепул бериш;

— квартира ҳақи ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда имтиёзлар;

— ер участкаларини ва яқка тартибдаги қурилиш учун бинокорлик материалларини сотиб олишга биринчи навбатда ажратиб бериш. Фармон мазкур бандининг амал қилиши камида 10 йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлган ходимларнинг ушбу тоифасига мансуб пенсионерларга жорий этилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси мазкур фармонни рўйбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида 10 кун муддат ичида қарор лойиҳасини тайёрлаши зарур.

3. Ушбу фармон 1992 йилнинг 1 мартидан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 февраль.

Хабарлар мағзи

● **ЎЗБЕКИСТОН** ахборот агентлиги (ЎЗТАГ)ни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)га айлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармон берди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти И. Каримов Фармонига биноан ўрток Р. Ш. Шоғуломов Ўзбекистон Республикаси Матбуот Давлат кўмитасининг раиси этиб тайинланди.

● Тожик адабиётининг йирик намояндаси Абдусалом Дехотий таваллудининг 80 йиллиги у тугилиб ўсган Самарқандда нишонланди.

● **МОСКВАДАГИ** 734-мактабда бу йил 3 марта орийат суди бўлиб ўтди. Мана қарийб 3 йилдирки бу суд муаллимлар билан ўқувчилар ўртасида барча можароларни ҳал қилиб келяпти. Бу судга ҳакамлар сайланишидан олдин икки ҳафта даво-


мида сайлов олди компанияси ҳам ўтказилганди.

● **ТУРКМАНИСТОН** пойтахти — Ашхободда республика давлат байроғи билан герби лойиҳаларининг кўргазмаси очилди. Унга 2 юздан ортиқ асар тақдим қилинган.

● **ЛАТВИЯДА** кундузи чироқ ёқиб кидирсангиз ҳам бензин тополмайсиз. Шу боис унинг нархи осмону фалакка чиқиб кетди. «Латвияс нафта» концерни бу ерда бензиннинг янги давлат нархларини эълон қилди: 1 литр АИ—76 — 10 сўм, АИ—93 — 12 сўм, дизель ёнилғиси эса 9 сўм 10 тийин туради.

● Илгари америкалик дипломатлар билан ҳозирги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фуқаролари ўртасидаги муносабатлар жуда чекланган эди. Эндликда эса АКШ давлат департаменти америкалик дипломатларга собик СССР фуқаролари билан эркин мулоқатда бўлишга, юзма-юз учрашишга, дўстлашишга руҳсат берди. Лекин улар хануз ўзаро «севги»дан ўзларини тийишлари лозим.

● **ФАЛАСТИН** Озодлик Ташкилоти раҳбари 62 ёшли Ясир Арафат христиан динига мансуб бўлган 28 ёшли котибаси Суҳи Тавилга уйланди. Никоҳ маросими тор доирада мусулмонча урф-одат бўйича ўтказилди.



«Тошкент мухандислик клуби» кишлоқ хўжалиги ва саноат илмий-ишлаб чиқариш фирмалари кооперациясининг йиғув цехи ҳамиша мухандису ихтирочилар билан гавжум. Улар ишчи ва хизматчилар билан қўлни қўлга бериб меҳнат қиладилар.

Суратда: бош технолог В. Воротников, бош ихтирочи М. Вихров, бўлим бошқарувчиси Т. Уткин, чилангар Н. Пастухов ва патент директори Р. Урмакаева иш устида.

Сураткаш В. МИЛВЕНЬКИЙ

ТАЛАБАГА МАДАД БЎЛСИН

Вилоятимиз олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг йўнъбир ярим миңдан зиёд талабаси бор. Халқ таълими, олий ўқув юр்தлари ва илмий муассасалар ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят қўмитасининг энг ибратли ишларидан бири аъзолик бадалларининг ҳаммасини бошланғич ташкилотларда қолдириш тўғрисидаги қарори бўлди. Бу озмунча маблағ эмас.

ПЕДАГОГИКА олийгоҳининг онлавий шароити оғир бўлган қирқ нафар талабасига яқинда салкам икки миң сўм пул берилди. Тиллар педагогика олийгоҳи, соғломлаштириш лагерлари ва санаторий-профилакторийларида беш миң нафардан зиёд талабалар соғликларини тиклаб олдилар, бепул даволанмоқдалар. 1120 кишига ҳозирги кунда парҳез таомлар учун бепул талонлар берилган.

Вилоят қўмитаси аҳолининг энг кам иктисодий химояланган катлами — талабаларнинг аҳолини яхшилаш мақсадида вилоят ижроия қўмитасига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ижроком эндиликда талабалар ва узокдан катнаб ишлайдиган ўқитувчиларнинг йўлқарасини бепул қилиш учун маблағлар кидирмоқда.

Педагогика олийгоҳида талабаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, совун, шампун сотиш йўлга қўйилди, бу иш тиллар педагогика олийгоҳида ҳам яхши ташкил этилган. Талабалар касаба уюшмалари фаоллиги оширилди, қўмита аъзолари зиммадаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишламоқдалар. Чунки тартибни фақат талабаларнинг ўзлари яхши ўрната олишлари ҳаммамизга маълум.

Ўрта билим юр்தларимизда ҳам бу соҳада яхши ишлар анчагина. Нодира номидаги Асака мактабгача тарбия билим юр்தида талабалар ташкил этган кичик корхона ёшларни иктисодий химоя қилиш учун яхшигина маблағлар топди. Талабалар муаллимлар раҳбарлигида чикитлардан қўйлақчалар ва бошқа нарсалар тикдилар. Шаҳардаги давлат савдоси техникуми боғлари ва иссиқхонаси ҳам яхши даромад келтирмоқда. Мева-сабзавотлар талабалар ошхонасига ҳам

мунтазам равишда келтириб турилибди.

Хуллас, бугун касаба уюшмалари талабалар ҳақида ҳар қачонгидан кўпроқ ва чуқурроқ ўйлашлари керак. Чунки улар иктисодий химояга ниҳоятда муҳтож. Бунинг учун керак бўлса, харажат сметаларидаги айрим моддаларга ажратилган маблағларни ҳам сарф этишимиз лозим. Вилоят қўмитаси эса талабалар учун санаторий-профилакторийларга энг янги тиббиёт техникасини олиб бермоқда. Яқиндагина қўйилган лазер нури билан даволаш аппаратлари талабаларга маъқул келмоқда.

Бугунги кунда вилоят қўмитаси меҳнат фахрийларини ҳам ўз эътиборида тутиб турибди. Бутун умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган бу кишилар барча иззат-икромга лойиқдилар. Бу соҳада вилоят халқ таълими бошқармаси қошида ташкил топган фахрийлар қўмитасининг фаолияти диққатга сазовордир. Биз бу қўмита билан «Тантаналар уйида» фахрийлар билан учрашув ўтказганимиздан кейин барча районларда устозлар ёдга олинди ва шундай тадбирлар ўтказилди. Халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси район қўмиталари қошидаги янги хайрия жамғармалари кекса ўқитувчиларга дастлабки ёрдамни кўрсатди. Унга маблағларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлайдиган кишилар ўтказиб бермоқдалар. Шу кунда халқ таълими район бўлимларида битта инспектор фахрийлар масаласи билан шугулланмоқда.

Азизахон НАСРИДДИНОВА, Халқ таълими, олий ўқув юр்தлари ва илмий муассасалар ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят қўмитасининг раиси.

ЭСКИ ЗАМОНЛАР ЎТДИ

● Шифокорларга узок йил ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш бекор қилинди.

● Кичик медицина ходимлари (санитаркалар) врачлардан кўп ойлик оладиган бўлиб қолдилар.

● «Тез ёрдам» машиналари ҳайдовчилари иш ташлаш арафасида.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раёсати ва республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати (коллегияси)нинг яқинда Урганч шаҳрида бўлиб ўтган қўшма мажлисида ана шундай долзарб масалалар қайта-қайта тилга олинди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси О. И. Абдуллаева мажлисни бошқарар экан, ортиқча ҳиссиётлардан, гап-сўзлар, ноўрин хулосалардан тийилишни нотиқлардан сўраб турди. Ваҳоланки, кун тартибидоги масала ўта долзарб эди. Тармоқ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги усулларини жорий этиш бўйича соғлиқни сақлаш ва касаба уюшма ташкилотлари амалга ошираётган ишларнинг бориши тўғрисидаги масала ишчанлик билан муҳокама қилинди. Дастлаб соғлиқни сақлаш вазирининг муовини Б. Умурзоқов шу хусусда ахборот берди. У таъкидладики, соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги қодалари тармоқда сифат ўзгаришларига эришишни асосий мақсад қилиб қўйилган ҳолда ишлаб чиқилган. Илгариги тенглаштириш усулидан воз кечилиб, ҳар бир тиббиёт ходими билими, малакаси, умумий ишга қўшаётган ҳиссасига, фидойилигига қараб ҳақ тўлаш белгилади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига биноан янги иш ҳақи қодаларини жорий этишдан олдин барча хизматчилар, раҳбар ходимлар қайта кўрикдан ўтказилди.

Қайта кўрик давомида ходимлар меҳнатининг самарадорлиги ва сифати, энг муҳими касб-маҳорати ва малакаси асосий мезон бўлди. Натижада муассасаларнинг раҳбар ходимларидан 149 киши ёки 7,4 фоизи шартли равишда кўрикдан ўтди, 33 киши ёки 1,6 фоизи ўз вазифасига нолийқ деб топилди. Республика бўйича врачлардан 245 киши ўз вазифасини эплай олмайпти, деб хулоса қилинди. Ўрта малакали медицина ходимларидан бир мунчасининг фаолияти ана шундай баҳоланди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги қодаларини жорий этиш давомида бошқа камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Айниқса, врачлар, ўрта малакали тиббиёт ходимлари ўртасида малака тоифалари (квалификация категориялари) жуда пастлиги иш ҳақи даражасини ўстиришда қийинчилик туғдирди. Масалан, республикадаги 69173 врачнинг 3,5 фоизидо олий тоифа, 12,3 фоизи биринчи тоифали мутахассислардир. Врачларнинг 78,6 фоизидо ҳеч қандай тоифа йўқ. Андижон, Фарғона, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида 79,7—88,7 фоиз врач олий ўқув юр்தини битказиб келгандан буён бир хил даражада иш ҳақи олиб келган. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида ўрта малакали тиббиёт ходимларининг малака тоифалари даражаси 89,4—95,2 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар аянчлироқ хулосани чиқаришга асос бўлиши мумкин. Тиббиёт ходимлари кўп йиллар давомида ўз билими, малакасини ошириш устида етарли ишламаганлар, изланмаганлар. Тиббий хизмат кўрсатиш

даражасидан шикоят, эътирозлар тушаётганлиги ҳам ана шундан бўлса керак.

Хуллас, тиббиёт ходимлари ўртасида малака тоифаларининг пастлиги иш ҳақини ўстириш миқдори ҳам сезиларли бўлмаслигига олиб келди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг таҳлилига қараганда Тошкентдаги 12-туғруқхона врачларининг иш ҳақи бор-йўғи 14 фоизга ўсган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1-клиник касалхонасида эса 60 фоизга ўсган. Бу касалхонада врачларнинг малака тоифалари жуда юқори. Юқоридаги туғруқхона ҳақида эса бундай деб бўлмайди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларида соғлиқни сақлаш ходимларининг айрим тоифалари — инженер техник ходимлар, санитария транспорти ҳайдовчилари иш ҳақларини ўстириш масалалари назарда тутилмаган. Баъзи оғир шароитларда ишловчи шифокорлар меҳнатига қўшимча ҳақ тўлаш белгиланмаган.

Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси П. Қосимова янги иш ҳақи тўлаш қодаларини танқид қилар экан, айниқса, санитария транспорти ҳайдовчилари олийги ўстирилмаганлиги оғир асоратларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди. Яъни, у ҳайдовчилар иш ташлашга тайёрланаётганликларини маълум қилди. Ваҳоланки республиканинг бошқа вилоят ва шаҳарларида ҳам ана шундай манзара ҳукм сурмоқда. Лекин бундай кескинликнинг олдини олиш борасида Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳрида ижобий ишлар амалга оширилган. Ички имкониятлар излашиб, тадбиркорлик асосида иш қўрилганлиги натижа-сида ҳайдовчилар 400—500 сўм ва ҳатто ундан зиёд ҳақ оляптилар. Бошқа вилоятларда ана шу тажрибани ўрганиб тезда жорий қилиш мумкин.

Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари тармоқ касаба уюшмаси қўмиталари раислари М. М. Юсупова, Ш. Султонов, Г. Хикматова, Д. Йўлдошева, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Л. Жалолова, Қорақалпоғистон республикаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси С. Алямова, Андижон вилоятидаги Ленин райони марказий касалхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Н. Назаров, Хоразм касаба уюшмалари кенгаши раиси О. Юсупова мажлисида сўзга чиқдилар.

Бутуниттифоқ соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Г. А. Шчербаков мажлисида қатнашди ва сўзга чиқди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги коллегияси аъзолари, касаба уюшмаси фаоллари иштирок этган бу мажлисида тармоқ ходимларига иш ҳақи тўлаш тартибларига ўзгаришлар киритишни такомиллаштириш, пировард натижада аҳоли соғлигини муҳофаза қилишни яхшилашни асосий мезон деб қараш лозимлиги уқтирилди.

Шихназар АХМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири,
Хоразм вилояти.



Хозир халқимиз оғир дамларни бошдан кечирмокда. Чакана нархлар ҳаддан зиёд кўтарилган. Маош билан тузукрок кун ўтказиш қийин. Ёки қарияларимиз айтганидек, йўгон чўзилладиган, ингичка узилладиган пайт. Буни ҳисобга олиб, республикамиз ҳукумати иқтисодий тангликдан чиқиш учун катор ташкилий ишларни амалга оширмокда. Булар оз бўлса-да ўзининг ижобий самарасини берапти. Шунга қарамадан энди ҳамма жойда одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ҳақида жиддий бош қотириш керак. Куруқ гап-сўз ва ваъда билан иш битмайди. Ана шу нуқтаи-назардан қараганда Шахрисабз пиллакашлик фабрикасида ишчиларнинг турмуш даражасини кўтариш юзасидан қилинаётган ишлар ҳар жиҳатдан ибратга лойиқ. Яқинда мазкур корхонада бўлганимизда бунга дилдан ишонч ҳосил қилдик.

— Бозор муносабатларига ўтилиши бизни пухта ўйлаб, тадбиркорлик билан иш юритишга ундаяпти,— дейди фабрика директори Толиб Орзиқулов.— Жамоамиз аъзоларининг маошини канчалик кўтарсак, уларга имкони борича моддий ёрдам берсак, ишимиз ҳам шунчалик яхши кетади. Шунинг учун корхонамиз маъмурияти, касаба уюшмаси кўмитаси одамларга ғамхўрлик кўрсатишни бош масала, деб қарашаяпти. Ишчи-хизматчи ва муҳандис-техник ходимларимиз бйнга 100 сўмдан зиёд коплама пули олишяпти. Шунингдек, ҳар бир кишига овқатланиш учун кунига 2 сўмдан пул бераймиз. Бундан кейин меҳнатимиз натижаларига қараб, коплама пулини яна ошириб бораверамиз. Мақсадимиз одамлар турмуш шароитини яхшилашдан иборат.

Директорнинг айтганича бор, корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш, қувватлардан тўла фойдаланиш, тежамкорликка эришиш, бор имкони-ятларни ишга солиш ҳисобига ишчиларнинг маошини кўтариш асосий вазифага айланган. Ахир киши яхши яшаса, рўзгорини қийналмай тебратса, шундагина унинг меҳнатга иштиёқи ошади. Қадрдон корхонасидан бошқа жойга бориб ишлашни хаёлига ҳам келтирмайди.

Корхонада асосан ёшлар ишлашади. Лекин ҳозир нарх-наво кўтарилган пайтда уларнинг турмуш қуриб, рўз-

горини тезда тебратиб кетишлари анча қийин. Тўй қилиш, оила учун зарур анжомларни олишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун корхона раҳбарияти масаланинг бу нозик томонларига ҳам катта аҳамият беришмокда. Уйланаётган ва бир фарзанди бўлган ёшларга корхона томонидан 1500 сўмдан қарз берилади. Бу маблағ уларнинг рўзгорини тиклашда албатта асқотади. Шу йил қарийб 40 оилага ана шундай ёрдам кўрсатилди. Бундай мадад кўрсатиш борасига ўзига хос танглик ҳам қилинапти. Фабрика меҳнат жамоаси кенгаши қарорига асосан ёш оилаларга бериладиган қарзнинг агар улар бир фарзанд кўришса, 200 сўми, учинчи фарзанди

ЙЎҒОН ЧЎЗИЛМАЙДИ, ИНГИЧКА УЗИЛМАЙДИ

туғилганда эса 300 сўмдан кечиб юборилади.

— Биз ишчи-хизматчиларимизнинг шахсий уй-жой қуришларига ёрдам беришни яхши йўлга қўйганмиз,— дейди фабрика касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Мошкан Умаров.— Чунки айни чоғда қурилиш материалларининг нархи кўтарилганлиги билан уларни топиш ҳам мушкул. Катта жамғармаси бўлмаган одам вақтида уй-жой қуриб ололмайди. Буларни эътиборга олиб, шахсий уй-жой қурувчи кишиларга фабрика ҳисобидан 10 минг сўмгача устама талаб қилинмайдиган қарз берилаяпти. Бундан ташқари таъминот ишлари билан шуғулланувчи идоралар билан шартнома тузиб, ўтган йил 850 тона шифер, 80 тона цемент, 30 тонна металл ва 4 вагон ёғоч материаллари олиб ишчиларга арзон нархларда сотдик.

Дарҳақиқат, корхонада кишиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш турли кўринишларда олиб борилаётир. Масалан, бу ерда узок ишлаб, ҳозир қариллик гаштини сураётган кишилар ҳам бундай имтиёзлардан четда қолмаяпти. Ҳозирда яна 4 нафақахўрга ойига 30 сўмдан қўшимча нафақа бериб борилаётир. Бундан ташқари, қариллик гаштини суришга кузатилаётган ишчиларга меҳнат қилган йилларига қараб биратўла 1200 сўмгача

моддий ёрдам кўрсатилаяпти. 1991 йилда 5 киши ана шундай хурматга сазовор бўлди.

Фабрика ўз ёрдамчи ҳўжалигига эга. Паррандачилик фермаси мавжуд. Полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ҳам зўр берилмокда. Ёрдамчи ҳўжаликнинг фабрика жамоасига яхши мадади тегапти. Уларга тез-тез тухум ва товук гўшти арзон баҳода сотилмокда. Ишчилар сабзавот маҳсулотларидан истаганча баҳараманд бўлишяпти. Фабрикадаги мавжуд 2 та болалар боғчасига эса кишини-ёзини шундай маҳсулотлар етказиб берилмокда. Бу боғчаларда жамоа аъзоларининг 600 нафарга яқин фарзанди тарбияланапти.

деди касаба уюшмаси кўмитаси раиси. Биз Офтоб опа билан бирпас суҳбатлашдик.

— Ишимдан нолимайман,— деди гап орасида О. Эшназарова,— Ойлигимиз яхши. Маошни вақтида олаямиз. Фабрикадан берилган уйда тураман. Шароит ёмонмас. Коплама пули ҳам белгиланганидан кўп олаямиз. Хуллас шу корхонада ишлаб, кам бўлмаяпман.

Офтоб опа бу сўзларни дилдан гапирганиди. Унинг учун бу фабрика жуда қадрдон бўлиб қолган, у шу ерда 16 йилдан буён ишлаяпти. Шуниси характерлики, Офтоб опанинг турмуш ўртоғи Қўзи Эшназаров, қизи Феруза Эшназарова ва куёви Бахтиёр Бердиевлар ҳам шу даргоҳда меҳнат қилмокдалар. Бу ерда ишчилар учун қулай иш шароитлари яратилган. Улар ижтимоий жиҳатдан яхши ҳимояланган бўлмаганида, корхонада бундай ишчилар сулоласи ҳеч қачон юзага келмасди.

Ипак йигирув ва ипни қалавалаш цехларининг ишчилари Фарида Диёрова, Замира Умарова билан суҳбатлашганимизда ҳам улар ўзлари ишлаётган корхонада меҳнатқашларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан беҳад қувониб гапирдилар. Чунки бу ерда ишчиларнинг ойлик иш ҳақи 400 сўмдан ошиб тушяпти. Одамларга ғамхўрлик яхшиланаётганлиги туфайли фабрикада қувончли натижаларга эришилаяпти.

Шу йилнинг ўтган ойлари режалари ортиғи билан адо этилди. Бу йил келишилганидек режадаги 72 миллион 728 минг сўмлик ўрнига 75 миллион 721 минг сўмлик маҳсулот ва етти тоннадан кўпроқ хом ашё ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот сифати ҳам анча яхшиланди. Шу боис илгари 2 килограмм хом ипак истеъмолчиларга 188 сўмдан сотилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 385 сўмни ташкил этаяпти.

Ҳа, корхона раҳбариятининг ижтимоий масалаларга катта аҳамият бераётганлиги ютуқлар гарови бўлаётир.

Умид РАҲМОНОВ,
касаба уюшмалари Қашқадарё
вилоят кенгаши ташкилий бўлими
етакчи мутахассиси.

Н. АҲМЕДОВ.



Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида Олтиариқ пахта тозалаш заводи жамоаси йиғилган ҳосилни нафақат ҳамдўстлик мамлакатлари, балки хорижий давлатларга ҳам сотишни режалаштирган. Тадбиркорлик оқибатида меҳнатқашларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш имкони ортди.

Суратларда: юқорида пахта тозалаш заводининг умумий кўриниши; жамоа директори Тоҳир Мирзаев ва лаборант Маликаҳон Уринбоевалар пахта толаси сифатини кўздан кечирмокдалар. Пастдаги суратларда эса, завод касаба уюшмаси кўмитаси раиси Абдураҳим Холматов ва смена бошлиғи Раҳимжон Ортиқовлар иш устида; толани жойлаш цехида иш қизғин.

Суратқаш: Ж. БОБОРАҲМАТ.





Доноҳон аяга мактуб

ҚАЙНОНАМДАН АЙЛАНДИ

Икки ака-ука ўзаро можаро қилар, ҳеч бири ён беришни истамас, агар қўйиб берса ёқалашишга ҳам тайёр эдилар.

Йўқ, ҳар қалай қаердандир, онаизор пайдо бўлиб, уларнинг жанжалига чек қўйди ва ҳар иккала фарзандга ҳам бир хил насиҳат қилди.

— Болаларим, мен сизларни ёшлигингиздан оқ юзиб оқ тарадим, отасизликни билмасин, мурғак қалби ўксимасин деб, сизларга келган балога ўзимни дучор этдим. Дунёда тўқчилик, лекин сизлар бир бурда нонга зор бўлган кунлар ҳам ўғрилиқ қилмадим, сизларни яхши одам бўлсин, кексайганимда менга суянчиқ бўлсин деб, бировларнинг юмушини қилиб бўлсада сизларни вояга етказдим. Энди сизларнинг бу ишларинг уят, болаларим. Сизларни уйлантириб набиралар қуршовида юрсам, келинларимнинг кўлидан чой ичсам, бошқа армоним йўқ...

Икки ўғил ҳам бошларини қўйи солганича оналарининг сўзларини фақат қулоқларига эмас, юракларининг энг тубига жойлаштириб олдилар...

Мана орадан неча йиллар ўтди. Мен ана шу фидоий онанинг бахтли келиниман. Баъзи келинлар қайнонаси-дан, турмушидан нолиб хат ёзиб ёки ўзларини ҳалок этишгача боришади. Мен уларга қарата қайнонани ўз онангиз ўрнига қўйиб кўринг деб айтгим келади. Мен эса ўз қайнонамдан жуда хурсандман. Чунки у киши менинг ҳаммиша энг яқин маслаҳатчим ва суянчимдир.

Ҳозир менинг ҳам беш нафар фарзандим бор. Улар онам, дадам, ва қайнонамга жуда меҳрибон бўлиб ўсишяпти. Мен доим бахтимизга меҳрибон қайноналар омон бўлсин дея, дуо қиламан. Доноҳон ая, «Ишонч» сажидаларида сизнинг маслаҳатларингизни ўқигач, қайнонам ҳақида шуларни ёзишга жазм этдим.

Раъно ПУЛАТОВА,
Қашқадарё вилояти
Нишон райони
Чорағил қишлоғи.

Одамларнинг яхши-си — одамларга фойдалирогидир. (Ахлоқ-одобга оид Ҳадисдан).

Мен ёзмокчи бўлган аёл юкори ва олий кенгашларнинг ноиб ёки катта йиғинларнинг сайланган иштирокчиси эмас. Кўксини турфанишонлар ҳам беэмаган. Аммо ўшандоғ одамларнинг юрагидан ўтган дард уникидан ҳам ўтган. У ҳам ўзича муаммолар ечимини ўйлаб қийналади. Хонтоғ адирликлари ёнбағрида

«янги» материалдан сумка бичди. Тикувчиларга тушунтириб турди, тикишди. Тайёр бўлган тўрт хил маҳсулотни олиб завод директори Махмуджон Алимов хузурига кирди.

— Янги цех ташкил қилсак. Ўзим ишлардим. Беш-олтита пенсияга чиқиб кетган кадрдонларим иш сўраб келишганди. Ўшаларни ишга олардик.

Ҳар ким ўз чоки учун ўзи ОТК. Мана тўрт йилдан бери бирор савдо ташкilotидан рекламация — кайтарик олганимиз йўқ. Хисобчи, хазиначи, цех бошлиғи — ҳаммаси ўзимиз. Бир ойда 25 минг сўмлик маҳсулот чиқарсак, шундан 10 мингга яқини ўзимизга маошу мукофот қилиб берилса, завод хазинасига ўн беш минг соф фойда қолдирамиз. Бу ўша соҳилда бир вақт ёқилган чиқиндилар фойдаси.

— Маошларингиз ҳам дурустдир-а?

— Мана кўринг, — у хисоб варағини узатди. — 670 сўм, 583 сўм, 550 сўм, 500 сўм...

— Яхши экан.

— Яхшиликка яхши-ку шу кунларда олдимизда бир хавотир бор-да.

Билсангиз, шу бугун 250 ишчи асосий цехларда хом ашё йўқлиги учун уйига қайтиб кетди. Россиядан бизга зарур смола, Тошкентдан эса металл безаклар анчадан буён келмаяпти. Заҳиралар бугунгача етди. Қарангки, кеча Фарғонадан ҳам ўн беш кунсиз сунъий тери жўнатолмасликлари ҳақида хабар олдик. Заводимизнинг шунча кун ёппасига иш тўхтатишини ўйласам... Ахир 700 киши ишлайди-я.

Мен шу лаҳза Шарофат онанинг кўз ўнгидан энг аввало заводдаги мавжуд 583 аёл, уларнинг болалари, оловли ўчоқлари ўтганини сезаман. Сабаби у кўп йиллардан бери завод аёллар кенгашига бош. Аёлларга шарт-шароитлар яратиш учун доим жон куйдиради. Заводдаги тиббиёт ўчоғида ҳозир беш шифокор ишлайди. Аёллар шифокори ҳам бор. Уларнинг даволанишлари учун шарт-шароитлар етарли. Қасаллик варақаларини ҳам шу ердан олишяверади. Хомиладор аёлларга шахар таъминотидаги маблағдан ташқари заводнинг ўзи ҳам ҳар ойига ўттиз сўмлик бепул озик-овкат маҳсулотлари беради. Кенгаш шунга қарор қилган.

— Заводдаги рационализаторларнинг бирисиз. Ихтирочиларни кадрлашадими? — сўрайман онадан.

— Ҳа, таклифим ишлаб чиқаришга жорий этилса 80—100 сўмлик мукофот оламиз. Лекин... Бир нарса эсимга тушди, айтайми?

— Айтинг.

— Яқинда газетада ўқидим. Японияда фикрчан, тажрибали ишчи-хизматчи нафақа ёшига етса дам бериларкан-да ўн ёки йигирма йиллик нафақа пули олдиндан тўланаркан. Бу ўша одамнинг бекор қолмаслиги, бирор янгилик қилиб кичик корхонами, ширкатми тузиб тажриба ва билиминини ишга солиши учун сўров бўларкан. Нимадир яратса ҳар ҳолда юрт бойлиги деб ўйлашарканда. Биздака ихтирочи ва рационализаторлар қабулхоналарда сарғаймаскан-ҳар ҳолда. Уни ака деб, бунни ука деб чет элдан дастгоҳ оламиз, эҳтиёт қисм оламиз. Уларда тараккиёт зўр дейсиз. Ҳар қандай тараккиёт изланишлардан, изланувчанларга эътибордан келиб чиқади ахир. Назаримда бизда қуйинчак, масъулиятли одамлар камдек. Бу аниқ.

Шарофат она Матисокова билан узок суҳбатлашдик. Мулоҳазали, қуйинчак бу аёл менга жуда ёқиб қолди. Бизда ҳам масъулиятни, эл фаровонлиги учун бурчини ҳис қиладиган одамлар бор экан, деб қўйдим ичимда.

Замира РҶЗИЕВА.



Хуш келибсиз, аяжонлар!

А. МАМАДАМИНОВ суратга олган.

А Я Ж О Н Л А Р

Яхшиликка далолат қилувчи билан уни бажарувчининг савоби тенгдир. (Ахлоқ-одобга оид Ҳадисдан).

жойлашган Советободни жон қадар азиз ватан билган Шарофат опа бу бахаво, кўкаламзор, сайёҳсуяр масканнинг ҳам бир куни Орол каби экологик дардга мубтало бўлишини мутлақо истамайди. Советободдан ўтган Сирдарё қирғоқларига олиб чиқиб ёқиб юборилаётган чарм-тери чиқиндиларининг ўзи ишлаётган заводдан чиқаётганини эслаганда эса ўзини гуноҳкордай сезади. Бадбўй, бурқисган тутун дарёбўйи дарахтларига, оқаётган сувга қандай зарар келтираётганини, қирғоқ хусини бузиб қултепа қолдираётганини ўйлаб қийналади.

Бир куни ўша қирғоқдаги қийқимлардан бир тутамини уйга олиб кетди. Хаёл суриб ўтириб бу чиқинди материаллардан бежиримгина сумкача тўқиди. Жаҳонга машҳур физик олим Исаак Ньютон дарахт соясида ўтирганнида бошига тўп этиб узилиб тушган олмага қараб ўзининг Ернинг тортиш кучи ҳақидаги катта кашфиётини яратганини ҳаммамиз биламиз. Шунақа, киши ҳаёлига нимадир туртки бўлади-да, ярк этган фикр келади кўнгилга.

Шарофат опа ўзи тўқиган сумкачага қараб туриб бир эзгу ишни ҳаёллади. У эртасига ҳам соҳилга бориб яна аллақанча қийқим олиб келди. Пардоз жихозлари, пул солинадиган кармонлар тўқиди. Қизчаларнинг яна бир-икки хил сумкачалари ҳам пайдо бўлди. Ишхонага борганда эса ўзи бошчилик қилаётган ўқувчи портфели тайёрлаш цехидаги дастгоҳда қийқимлар уюмидан олиб рангги, ўлчовини чамалаб астарга ёпиштирди. Хаёлидаги кўринишларда андоза қилди-ю

Хом ашёмиз — чиқинди материал бўлади. Фақат иккита ёпиштиргич пресс дастгоҳ билан бир нечта тикув машинаси ажратиб берсангиз бўлади. — деди у фикрини тушунтириб.

— Мана бунни чинакам ихтиро деса бўлади, — тан олди директор. — Лекин сиз ишлаётган цех нима бўлади. Яхшиси, янги цехда бошқаси ишласину, сиз жойингизда туриб ёрдам ва маслаҳатларингизни бераверинг. Ахир йигирма йиллик амалий мутахассиссиз. Портфель цехимиз хувиллаб қолади-я.

— Махмуджон ука, ўзингиз биласиз заводга келганимга 20 йил бўлди. Узлуксиз меҳнатданми, билмадим, кейинги пайтда бироз чарчагандайроқман. Ахир 300 кишилик цехни чарчаган одам бошқариши тўғри келмайди. Ўрнини чаққон, соғлом ёшларга берайин. Ўзим эса уч кундан бери ҳаёлимдан кетмаётган ишимни амалга оширай.

Хуллас, ўша 1988 йилда қийқимлардан маҳсулот чиқариш цехи иш бошлади. Шарофат опа, Раъно ая Ҳасанова, Анор ая Ашурова, Рўзи хола Раҳимова, Шаҳринисо хола Содикова, Максид хола Собирова, Рузвон хола Аллакулова сингари 15 аёл билан ажабтовур бежирим маҳсулотлар чиқара бошладилар.

— Ойинга 4 мингта чиқарамиз, — деди у. — Ҳозир уч хил маҳсулот бераймиз. Мана булар эса, — у икки хил бошқача нуҳадаги ишларни кўрсатди — янги таклифларим. Ҳадемай йўлга қўямиз. Ишлаётган аяларга келсак, бундан бир неча йил бурун завод хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида бирга ишлаганман булар билан. Фольклор дастамизнинг қўшиқчи-ю раққосалари ҳаммаси. Кўнгилда қўшиқ яшаса ҳар қандай машаққат енгиллавераркан. Мана бизда ОТК, яъни техника назорати бўлими йўқ.




ИШЧИЛАР МАМНУН

Ҳозирги иқтисодий танглик даврида ҳам Гулистон тикувчилик-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўз мажбуриятларини шараф билан адо этишмоқда. Бунинг асосий омилли ишчи ва хизматчиларнинг иш ва турмуш шароитларига етарлича эътибор берилаётганлигидир.

Корхонадаги барча хайрли ишларга касба уюшмаси фаоллари — бирлашма касба уюшмаси кўмитаси раиси Дилором Қодирова ва касба уюшмаси кўмитаси аъзоси, тикув цехи бошлиғи Махбуба Отаевалар бош-қош бўлишмоқда.

М. АБДУМУМИНОВ.
Суратда: Дилором Қодирова (ўнгда) ва Махбуба Отаевалар қилинажак ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.



Ўзбекистон касаб ва уюмлари Федерацияси Кенгаши болалик оилаларга компенсация ва нафақалар тайинлаш юзасидан бир қанча норматив ҳужжатлар қабул қилинганини эътиборга олиб, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан келаятган кўпмактаб ва мурожаатларга жавоб тариқасида касаб ва уюмлари барча марказий кўмиталарига, касаб ва уюмлари вилоят ва шаҳар кенгашиларига амалий ёрдам сифатида тавсия-мактуб юборди.

Маълумки, болалар учун бериладиган нафақаларнинг айрим турлари ота-она ишлари ёки ишласлигидан қатъий назар фақат социал таъминот идоралари томонидан тўланади. Бошқа турдаги нафақалар эса ота-онанинг иш ёки ўқиш жойидан, агар улар ишласа ёки ўқимаса, социал таъминот идоралари томонидан тайинланади ва тўланади.

Бу саҳифа асосан болалар учун нафақаларни ота-оналарнинг иш жойидан тайинлаш ва тўлаш масалаларига бағишланди.

1. Бола туғилганда бир марта тўланадиган нафақа — 250 сўм.

Оилада бир йўла икки ёки ундан кўп бола туғилган тақдирда бир марта тўланадиган нафақа уларнинг ҳар бири учун алоҳида берилади. Бу нафақа бола туғилган вақтдан бошлаб 6 ой ичида мурожаат қилинган ҳолларда тўланади.

Бола туғилганлиги тўғрисида ЗАГС идорасидан берилган маълумотнома нафақа тўлаши учун асос бўлади.

2. Бола 1,5 ёшга тўлгунча уни парваришлаш учун ҳар ой тўланадиган нафақа — ишловчи ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган оналарга 110 сўм миқдорда, ҳеч қаерда ишламайдиган ва иш стажы 1 йилдан кам бўлган оналарга 80 сўм миқдорда берилади.

18 ёшга тўлмаган оналарга бола 1,5 ёшга тўлгунча уни парваришлаш учун тўланадиган нафақа уларнинг иш стажы қанчалигидан қатъий назар ойига 110 сўм миқдорда берилади.

Оилада 1,5 ёшга тўлмаган 2 ёки ундан кўп бола бўлган ҳолларда уларни парваришлаш учун тўланадиган нафақа ҳар бир бола учун алоҳида берилади.

Агар нафақа тайинлаш тўғрисида бола 1,5 ёшга тўлмасидан олдин мурожаат қилинса, бу нафақа бола туғилган кундан бошлаб (лекин 1991 йил 1 январдан кейин) ўтган вақт учун, то бола 1,5 ёшга тўлгунча тўланади.

Нафақа белгилаш учун нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза билан бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси асос бўлади.

3. 1,5 ёшдан 6 ёшгача бўлган бола учун ҳар ойда бериладиган нафақа миқдори ҳар бир бола учун 80 сўмдан.

Бу нафақа онанинг умумий даромади онанинг ҳар бир аъзосига тақсимланганда энг кам иш ҳақи миқдорининг тўртта кўпайтирилган ҳажмидан кам бўлган миқдорга тўғри келса тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 декабрдаги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида энг кам иш ҳақи миқдори 1992 йил 1 январдан бошлаб 350 сўм қилиб белгиланган.

1,5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун ҳар ойда тўланадиган нафақа бола 1,5 ёшга тўлган куннинг эртасидан бошлаб тайинланади. Лекин бунинг учун шундай нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб 6 ой ичида мурожаат қилиниши керак.

Бола 1,5 ёшга тўлганидан сўнг 6 ойдан кўп вақт ўтганидан кейин мурожаат қилинган ҳолларда нафақа мурожаат қилинган

вақтдан роса 6 ой аввалги кундан бошлаб тайинланади.

Болани 1,5 ёшдан 3 ёшгача парваришлаш юзасидан пул тўланмайдиган таътилдаги оналар иш ҳақига компенсация корхона (муассаса, ташкилот)нинг ўзи томонидан маъмурият, касаб ва уюм ташкилоти ва меҳнат жамоаси кенгашининг қарорига асосан корхона (муассаса, ташкилот) маблағи ҳисобидан тўлаши мумкин.

4. 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун нафақа (стипендия олмайдиган ўқувчилар учун 18 ёшгача) ҳар бир бола учун 40 сўм миқдорда тўланади.

Бу нафақа амалдаги социал таъминот тизимида кўра бошқа турдаги нафақа ёки пенсия олмайдиган болалар, шунингдек жон бошига тушадиган ўртача даромад энг кам иш ҳақининг 4 га кўпайтирилган миқдори (1400 сўм)дан кам бўлган оналардаги болалар учун тайинланади.

Нафақа тайинлаши учун қуйидаги ҳужжатлар керак: нафақа тайинлаш тўғрисида ариза; бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; оила неча кишидан иборатлиги тўғрисида турар жойидан маълумотнома; она аъзоларининг даромадлари тўғрисида маълумотномалар.

Масалан, фуқаро Исмоилова 10 ёшлик фарзанди учун боқувчисини йўқотганлик муносабати билан тўланадиган нафақа олади. Бу нафақа миқдори 1992 йил 1 январдан бошлаб ойига 175 сўмни ташкил этади. Ўзи ойига 700 сўм маош олиб ишлайди.

Унинг фарзанди учун ойига 40 сўмлик нафақа тайинлаши мумкин эмас, чунки бу бола учун пенсия тўланапти.

Ногирон бола учун, масалан, социал пенсия тайинланган ҳолларда ҳам масала шундай ҳал қилинади.

Бошқа бир мисол, оилада 13 ва 15 ёшли икки бола бор. Болаларнинг онаси ишламайди, отанинг маоши 750 сўм.

Оила икки боланинг ҳар бири учун 40 сўмдан нафақа олиш ҳуқуқига эга. Бу нафақа болаларнинг отаси ишлайдиган жойда тайинланади ва тўланади.

5. Болаларга мўлжалланган моллар нархи ошиши муносабати билан болалар учун бериладиган мақсадли тўловлар йиллик миқдорда белгиланади: 6 ёшгача бўлган болалар учун 400 сўм, 6 ёшдан 13 ёшгача — 440 сўм ва кундузги умумий таълим мактабларида ўқийдиган 13 ёшдан катта болалар учун 530 сўм.

Хунар-техника билан юртларининг бепул кийим, овқат билан таъминланмаган

ўқувчилари учун ҳам шундай (530 сўм миқдорда) йиллик компенсация тўлови белгиланган.

13 ёшдан 18 ёшгача бўлган, стипендия ёки иш ҳақи ёхуд ногиронлик нафақаси оладиган болалар учун компенсация тўлови миқдори 530 сўм эмас, 280 сўмни ташкил этади.

Агар ёши 13 дан ошган бола ногиронлик нафақаси олса (туғма ногирон) ва кундузги умумий таълим мактабда ўқиса, компенсация тўловининг миқдори 530 сўм бўлиши керак.

Масалан, 14 ёшли бола социал таъминот идорасидан ногиронлик пенсияси олади. 1992 йил 1 январдан бошлаб бу пенсия 350 сўмни ташкил этади.

Агар бу бола ўқимаятган бўлса, болалар моллари учун компенсация тўлови йилига 280 сўмни ташкил этади.

Худди шундай ногирон бола ўрта мактабда ёки бепул кийим ҳам, текин овқат ҳам берилмайдиган хунар-техника билим юртида ўқийдиган бўлса, компенсация тўлови йилига 530 сўмни ташкил этади.

Иш ҳақига коэффициентлар кўшилмайдиган районлар ва жойларда компенсация тўловлари миқдорини ҳисоблаб чиқишда район коэффициентлари кўшилмайди.

Бола бир ёш гуруҳидан иккинчисига ўтаётганда компенсация миқдори тегишли ойлارга пропорционал равишда белгиланади.

Масалан, 25 октябрда бола 13 ёшга тўлади. Бу ҳолда йиллик компенсациянинг умумий миқдори қуйидагича бўлади: (440 сўм:12×9 = 329 сўм 94 тиин) + (530 сўм:12×3 = 132 сўм 61 тиин). Жамми: 462 сўм 45 тиин.

Компенсация тўртга тенг бўлиниб, уч ойда бир мартадан тўланади.

Болаларга мўлжалланган моллар, мактаб формаси ва бошқа кийимлар учун мақсадли тўловлар онанинг асосий иш (ўқиш) жойига берилган ариза асосида тўланади. Агар она ҳеч қаерда ишласа (ўқимаса) бу пул отанинг ёки болага оналик (оталик) қилаётган кишининг иш жойидан, бошқа ҳолларда — болани отанинг турар жойига қарашли социал таъминот идорасидан тўланади.

Компенсациялар жон бошига тушадиган ўртача даромад энг кам иш ҳақининг тўртга кўпайтирилган миқдори (1400 сўм)дан ошмайдиган оналарга тўланади.

Бу компенсациянинг янги миқдори 1991 йилнинг 2-ярмидан жорий этилган.

САВОЛ-ЖАВОБЛАР:

САВОЛ: Она бола бир ярим ёшга тўлгунча уни парваришлаш юзасидан қисман пул тўланадиган таътиллидаги муддатдан илгари яъни бола 1,5 ёшга тўлмасидан олдин ишга тушди, дейлик. Бундай ҳолларда нафақа ва компенсация қандай тўлаши керак?

ЖАВОБ: Бола бир ярим ёшга етмасидан она ишга тушган вақтдан бошлаб бола учун ойига 40 сўм миқдорда нафақа, шунингдек болалар моллари ва кийимлари қимматлашганлиги муносабати билан берилмайдиган компенсация тўланади.

САВОЛ: Болаларга нафақа ва компенсациялар олиш учун жон бошига тушадиган ўртача даромад қандай ҳисобланади?

ЖАВОБ: Буни ҳисоблаб чиқиш учун ўтган календарь йилидаги онанинг жамми даромади асос қилиб олинади. У кам таъминланган оналар учун нафақа тайин-

лашда амал қилган қондалар асосида белгиланади.

САВОЛ: Онда жон бошига тушадиган ўртача даромад аниқланаётганда болалар учун олинган алиментлар ҳам кўшилмайди?

ЖАВОБ: Ҳа, онанинг жамми даромади ҳисобланаётганда алиментлар бунга кўшилади, тўланган алиментлар эса чиқариб ташланади.

САВОЛ: Ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган болалар учун нафақа тўланадими?

ЖАВОБ: Болалар 16 ёшга тўлгунча (стипендия олмайдиган ўқувчиларга 18 ёшгача) ҳар ойда нафақа тўланади.

16 ёшдан ошган, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган болаларга 40 сўм миқдордаги ойлик нафақалар тўланмайди.

Айни пайтда болалар моллари қимматлашгани учун берилмайдиган мақсадли компенсациялар 18 ёшга тўлмаган ҳамма болаларга тўланади.

САВОЛ: Ёши 18 дан ошган, мактабда ўқийдиган болага нафақа тўлаши керакми?

ЖАВОБ: Йўқ, ҳар ойда берилмайдиган нафақа бола 16 ёшга тўлгунча (стипендия олмайдиган ўқувчилар 18 ёшга тўлгунча) тўланади.

САВОЛ: Тўла давлат таъминотида бўлган болалар учун нафақа ва компенсациялар тўланадими?

ЖАВОБ: Йўқ, болалари тўла давлат таъминотида бўлган ота-оналарга бу болалар учун ҳеч қандай компенсация тўланмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 26 мартдаги ва 1991 йил 17 сентябрдаги қарорларида чакана нархлар ошиши муносабати билан болаларга социал хизмат кўрсатиш (шу жумладан мактаб-интернатларда ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларда) харажатлари ўрнини тўла қоплаш ҳамда болаларни боқиб харажатлари пул нормаларини ошириш кўзда тутилган.

САВОЛ: 18 ёшга тўлмаган ва стипендия олмайдиган студентларга болалар моллари қимматлашгани учун компенсация тўланадими?

ЖАВОБ: Болалар моллари қимматлашгани учун берилмайдиган компенсация 18 ёшга тўлмаган барча болалар учун, улар ўқиши ёки ўқимаслиги ва стипендия олиши ёки олмаслигидан қатъий назар тўлаши керак.

САВОЛ: Болалар учун нафақа ва болалар моллари қимматлашгани учун компенсацияни тўлаш муддатини ҳисоблашда бола туғилган кун ҳисобланадими ёки у туғилган ой ҳисобга олинадими?

ЖАВОБ: Нафақа ва компенсация уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган ойдан тайинланади, бола тегишли ёшга тўлган ойгача (ёшга тўлган ой ҳам кўшилмайди) тўланади.

САВОЛ: Иш ҳақига район коэффициентлари кўшилмайдиган районлар ва жойларда болалар учун тўланадиган нафақалар ва компенсациялар миқдори қанча бўлади?

ЖАВОБ: Бундай жойларда болалар учун белгиланган нафақаларга ношқаб чиқариш тармоқлари ходимлари учун қўлланиладиган коэффициентлар кўшилмайди.

Болалар моллари учун мақсадли тўловларга келганда эса, улар район коэффициентларини кўшмасдан тўланади.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

«Ховос» давлат хўжалигимизда 22 та қўй отари бор. Чўпонлар шартнома тузиб, сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь ойларида хўжалигимиздан 50—150 километр узокда жойлашган яйловларда қўй боқишади. Уларга хўжалик ҳисобидан хизмат сафари харажатлари учун пул тўланадими? Тўланса, унга қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Тўйчи ГОИПОВ,
чўпон, «Ховос» райони,
«Ховос» давлат хўжалиги.

* * *

Хурматли «Ишонч» газетаси! Дехқончилик-самоат уюшмаси тасарруфида бўлган давлат хўжаликларидан ишловчи барча ишчи ва хизматчиларнинг йиллик меҳнат таътили муддатларини кўрсатадиган бирон бир маълумот эълон қилсангизлар дуруст бўлар эди. Унда давлат хўжалиги раҳбаридан бошлаб, оддий ишчигача кўрсатилса яхши бўларди. Буни билмаганимиз туфайли баъзан чалқашликлар юз беради. Масалан: занжирли

тракторда ишловчи механизатор, гилдиракли тракторда ишловчи механизатор, ёқилғи ташувчи хайдовчи, сут ташувчи хайдовчига, раҳбарлар хизматидаги хайдовчига, техник хизмат кўрсатувчи хайдовчига, ҳар хил ишчилар, хуусусан ми-робларга берилмайдиган меҳнат таътили муддати қанчалигини маълум қилсангиз. Бу ҳақдаги маълумотлар тўплами яқин 10 йил ичида чиққанини эслай олмайман.

Абдулла ЖҲРАЕВ,
«Ховос» давлат хўжалиги
касаба уюшмаси раиси

Ушбу мактубларга Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Х. Мухитдинов имзоси билан қуйидаги жавобни олди:

Сизларнинг «Ишонч» хафтаюмаси муҳарририятига йўллаган хатларингизга жавобан маълум қиламизки, амалда қўлланилаётган тартибга асосан ишчи ва хизматчиларга ҳар йили 15 иш кунига тенг муддат билан отпусқа берилди; муддати кўпроқ бўлган отпусқа беришга аста-секин ўтилади,

бир жойда узок муддатли меҳнат стажига эга бўлганлар ва меҳнат шароити зарарли ишларда ишлаб турган ишчи ва хизматчиларга кўшимча отпусқа берилиши мумкин.

Узок яйловларда қўй боқадиган ишчилар (чўпонлар)га 40 фоиз оширилган тариф ставкалари бўйича меҳнат ҳақи тўлаши муносабати билан уларга хизмат сафари харажатлари учун пул тўланмайди.

*

1963 йилдан бери сўт-товар фермасида ишлайман. Ёшим 46 да, 8 фарзандим бор. Кейинги йилларда меҳнат қобилиятим ёмонлашиб бир марта жарроҳ қўлидан омон чиқдим. 1991 йил майда иккинчи марта жарроҳ қўлига тушдим. Мен пенсияга чиқишим мумкинми?

Мадина АЙТУҒАНОВА,
Сирдарё вилояти,
Ворошилов райони,
«Қизил Октябрь» колхозчи.

Хатга Ўзбекистон Республикаси социал таъминот вазири муовини

вазифасини бажарувчи С. Мирза-аҳмедовдан қуйидаги мазмунда жавоб олди:

Хурматли Мадина АЙТУҒАНОВА!
Ўзбекистон Республикаси Социал таъминот вазирлиги Сизнинг пенсия тайинлаш масаласидаги аризангизни кўриб чиқди.

Маълум қиламизки, амалдаги қонунга асосан 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган аёллар 50 ёшга тўлганларида, камида 15 йиллик иш стажы билан қарилик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Аризангизнинг мазмунига қараганда, сиз пенсия тайинлаш учун талаб қилинган ёшга етмаган экансиз. Шу сабабли сизга қарилик пенсияси тайинлашнинг имконияти йўқ.

Агар соғлигингиз ёмонлашган бўлса, яшаб турган жойингиздаги поликлиникадан 88-формани тўлдириб, Тиббий Меҳнат Экспертиза Хайъатига (ВТЭК) мурожаат қилишингизни тавсия этамиз. Сизга ВТЭК ногиронлик гуруҳи белгиласа, ногиронлик пенсияси тайинлаш масаласи ижобий ҳал қилиниши мумкин.



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг меҳнаткашларни социал-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўлими йўриқчиси Т. П. Циглицева жавоб беради:

1989 йилдан буён касалхонанинг жарроҳлик бўлимидаги шошилинч ёрдам постда шифокор-ординатор бўлиб ишлайман. Малака тоифасига эга эмасман. 1991 йил 1 июлдан бошлаб ойлик маошимни 270 сўм қилиб белгилашди. Бошқа касалхоналарда менга ўхшаш шифокорларга 330 сўм тўлашяпти. Маошим қанча бўлиши керак?

З. Тошпўлатов, Тошкент шаҳри.

Биринчидан, соғлиқни сақлаш муассасаларининг шифокорлар лавозимлари рўйхатида «шифокор-ординатор» лавозими кўзда тутилмаган. Сиз кадрлар бўлимидан буйрукни олиб, ўзингизнинг қандай лавозимга тайинланганингизни аниқлашингиз зарур.

Агар Сиз жарроҳ бўлсангиз (жарроҳлик бўлимида ишлайман дегансиз), буйрукда ҳам, меҳнат дафтарчангизда ҳам лавозимингиз «шифокор-жарроҳ» деб ёзилган бўлиши керак. Бу ҳолда Сизнинг маошингиз 330 сўмни ташкил этади («Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари меҳнати учун ҳақ тўлаш янги қондаларини қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома», 1.2-банд, 3-бет).

270 сўм миқдоридagi маош жарроҳлик соҳасидаги шифокор-шогирд (стажер)га белгиланади.

Агар буйрукда лавозимингиз «шифокор-жарроҳ», деб ёзилган бўлса, у ҳолда сизнинг иш ҳақингиз қайта ҳисоблаб чиқилиши ва Сизга маош нотўғри тўланган бутун давр мобайнида, яъни 1991 йил 1 июлдан бу ёғига (1991 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ходимларига иш ҳақи тўлашнинг янги шартлари жорий этилган) берилмай қолган маблағнинг ҳаммаси тўланиши шарт. (Йўриқноманинг 10-бандига қаранг).

Бизнинг болалар тиш даволаш поликлиникаси ҳафтасига беш кун ишларди. Шу ҳамма-мизга маъқул эди, чунки жамоамиз асосан аёллардан иборат. Лекин, район ижроия қўмитаси бизни ҳафтасига 6 кун ишлашга мажбур қилди. Районроқўмининг шу қарори тўғрими?

О. Пак, Тошкент шаҳри.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида жамоа илтимосига кўра 5 кунлик иш тартиби (2 кун дам олинган, ўзгарувчан график бўйича) жорий этилиши мумкин.

Бундай қарорни маъмурият касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб қабул қилади. Асосийси — беморларга хизмат кўрсатиш узлуксиз бўлишини таъминлаш. Ҳафтанинг ҳар қандай кунни дам олиш кунни қилиб белгиланиши мумкин.

Тиббиёт ходимларининг иш вақтидан бир маромда ва оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида таркибий бўлинмаларнинг мудирлари уларнинг иш жадвалини ишлаб чиқади. Бу жадвални бош шифокор касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб тасдиқлайди.

Ҳафтасига 5 кун ишланганидан бўлса, маъмурият касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб, иш кунни неча соатдан иборат бўлишини янгитдан белгилайди. Бунда ҳар бир лавозимнинг мажбурий иш вақти нормаси ҳисобга олинади ва бу лавозимлар муассаса ходимлари тегишли гуруҳига киритилади (масалан: шифокорлар, фармацевтлар, ўрта ва кичик хизматчи ходимлар гуруҳлари). Агар шифокорнинг бир сменадаги иш вақти 6 кунлик иш ҳафтасида 6,5 соат қилиб белгиланган бўлса, 5 кунлик иш ҳафтасида бир сме-

налик иш вақти нормаси 7 соату 48 минутни ташкил этади ва ҳоказо.

Беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати пайсанган ҳолларда маъмурият 5 кунлик иш ҳафтасини бекор қилиб, 6 кунлик, яъни ходимлар бир кун дам оладиган иш ҳафтасини жорий этишга ҳақли.

Тиббиёт муассасаси ходимлари ҳафтасига 5 кун ишлашга ҳам, 6 кун ишлашга ҳам муассасанинг ўзи беморларга ҳафтасига 6 кун мобайнида тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди. Шундай бўлгач, район ижроия қўмитасининг қарори асоссиз (Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг 1991 йил 3 январдаги 02—14/2

1991 йил 7 январдаги 06—9/31—16 сонли изоҳларига қаранг.

Рўзноманинг аввалги сонларидан бирида ишламайдиган шахсларга компенсация 60 сўм миқдоридида социал таъминот органлари орқали берилади, деб айтилган эди. Бу кимларга тааллуқли?

У. Абдуваҳובה, Тошкент шаҳри.

Саволга социал таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Хулқар Файзуллаева жавоб беради:

Бу қоида меҳнатга қобилиятли бўлиб, лекин 1 тоифа ёки болалиқдан ногиронга ёки 80 ёшдан ошган қарияга қараб туриш билан банд бўлган ва шу сабабли ишламаётган шахсларгагина тааллуқлидир.

Саволларга ҳуқуқшунос А. Ҳасанов жавоб беради:

Мен ҳозир дала юмушларидан қутилиб, давлат корхонасига вақтинча ишга кирмоқчи эдим. Лекин меҳнат дафтарчами топширишим керак эмиш, шу тўғрими?

С. Носирова, Андижон вилояти.

Ишга вақтинчалик қабул қилинаётган киши меҳнат дафтарчасини кадрлар бўлимига топшириши шарт (Ўзбекистон МҚМ 26-моддаси). Меҳнат дафтарчасисиз ишга вақтинчалик қабул қилишга йўл қўйилмайди. Агар ходим ишга вақтинча киришдан олдин ҳеч қаерда ишламаган бўлса, унга 5 кун ишлаганидан сўнг меҳнат дафтарчаси очилади.

Мен касаллигим туфайли бир кун ишга бора олмадим. Сўнг поликлиникага бордим. У ерда касаллик варақаси очишмай, менга шифокор қабулида бўлганим ҳақида маълумот қогози беришди, холос. Айтинг-чи, унга биноан ишдан қолганлигим узрли ҳисобланадими?

Қ. Йўлчиев, Тошкент шаҳри.

Амалдаги қоидага кўра, касаллик варақаси ишдан озод қилувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шифокор қабулида бўлишнинг ўзи ишга чиқмаслик учун узрли сабаб бўлолмайди. Шифокор қабулига борганлик ҳақидаги маълумот қогози ҳам юридик ҳуқуқ берувчи ҳужжат ҳисобланмайди. Сиз касаллик аломатларини сезишингиз билан шифокорга мурожаат қилиб касаллик варақасини очиришингиз керак эди. Демак, нотўғри иш тутгансиз.

Мен комбинатга 3 ой муддат билан ишга жойлашдим. Лекин муддат тамом бўлса ҳам ҳозир ҳеч ким ишдан бўшагин деб айтмаяпти. Айтингчи, мен ишни давом эттираётган ҳисобланаманми?

Ҳ. Толипов, Чирчиқ шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари мажмуасининг 23-моддасига мувофиқ маълум муддатга тузилган меҳнат шартномаси муддати тамом бўлганидан сўнг томонларнинг келишуви билан янги муддатга меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.

Агар шартнома муддати тамом бўлишига қарамадан, меҳнат алоқаси йўқолмаган бўлса, ҳар икки томон ҳам уни тўхтатишни талаб қилмаса, у ҳолда меҳнат шартномаси номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Демак, бундай ходим ишдан бўшамоқчи бўлса, ўз ихтиёри билан ишдан бўшовчилар қаторида икки ой аввал маъмуриятни огоҳлантириб қўйиши керак.

Менинг танишим хонаки спиртли ичимлик тайёрлаётганини милиция ходимлари сезиб қолишибди. Айтинг-чи, энди уни қандай жазо қутади?

Э. Каримов, Қўқон шаҳри.

Амалдаги қоидага кўра, хонаки ичимликларни тайёрлаш, сотиш, шунингдек, уларни ишлаб чиқарувчи аппаратларни тайёрлаш ва сотиш учун 500 сўмдан 1000 сўмгача миқдорда жарима солинади. Ушбу ҳаракатлар тақдоран содир этилса, ундай шахслар 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилади. Уларнинг қинғир йўл билан топган мол-мулкларини суд ҳукми билан мусодара қилиниши мумкин.

Хонаки тайёрланган ўткир спиртли ичимликлар ва уни тайёрлашда ишлатилган аппаратлар ҳам йўқ қилиб ташланади.

1. Биз пахтакорларга ҳақ 1991 йил бошида қўйилган нарх бўйича тўланадими ёки унинг терим арафасидаги нархи даражасида тўланадими, яъни 50 фоиз оширилгани ҳам инобатга олинадими? Шу тўғрисида маълумот берсангиз.

2. Компенсация йиллик даромадга қўшиладими? Қўшилса қўшимча ҳақ тўланадими, йўқми?

Қ. Шарипов, Сирдарё вилояти, Ворошилов райони.

Бу саволга Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирининг ўринбосари Ҳ. Муҳиддинов қуйидаги жавобни берди:

Сизнинг саволларингизга жавобан маълум қилмазми, агар маҳсулот нархи ўзгарса, хўжалик маъмурияти касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда шартномаларга ўзгартиш киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида чакана нархларнинг ошиши мўносабати билан аҳолининг социал аҳолини таъминлаш тадбирлари» ҳақидаги қарорига асосан совхозларда ва бошқа давлат хўжаликларидида товои пули амалда қўлланилаётган тариф ставкаларига ва лавозим маошларига қўшиб берилади ва унинг миқдори йиллик даромадга қўшилиши керак.



ҲАМҚИШЛОҚЛАР

Бозор иқтисодиёти келтириб чиқараётган кийинчиликлар оддий меҳнат кишининг тинка-мадорини тобора қуритиб бормоқда. Жумҳурият ҳукумати кўраётган чора-тадбирларга қарамасдан, нарх-наво осмонга чиқиб кетмоқда. Орзу-ҳавас эмас, балки бемалол қорин тўйғазиб, кунни ўтказиш муаммога айланиб қолмоқда.

Ана шундай бир вазиятда оддий меҳнаткаш хонадони эшигини қоқиб, унинг ҳолидан хабар олиш республикамиздаги ҳар бир масъул кишининг инсоний бурчидир.

Доноҳон ая Сатторованинг кенжа фарзанди Фозилжон Армиядаги хизматини тугаллаб келган экан, ҳамма-ҳаллаалар бир бўлиб қутлагани кирдик. Ориққина Фозилжон бўйлари ўсиб, анча бакуват йигитча бўлиб қолибди. Ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Мен ҳаммадан кейин қолиб, Доноҳон ая билан суҳбатлашдим.

— Ўзингизнинг хабарингиз бор, ука, тўққиз нафар фарзандни отасиз тарбиялаяпман. Ботиржон, Ҳамиджон, Неъматжонларни ўйлаб, Сиргаҳон, Ерқиний ва Барқинийларни чиқардим. Худога шукур, ўн беш нафар невараларим бор. Назирбек ўтган йили Армиядан келган, энди мана Фозилжон кайтиди. Икковини ҳам уйлаш керак. Аммо менинг 145 сўм пенсиям билан ҳозир нима ҳам қилиш мумкин. Энг катта ўғлим Ботиржоннинг беш фарзанди бор, ўзини-ўзи зўрға эплайди.

Тўғри, колхозимиз ҳам қараб турмаяпти. Шу йилнинг баҳорида Расулжонимга уй қуриш учун ер берди. Раисга ариза ёзган эдим, битта гунажин беришди. Шунга ҳам роса қувондим, ука. Гунажинни сотиб, ёнига қўшиб, сигир қилиб олдик, невараларга сут-қаймоқ бўлиб турибди.

Эндиги ишим армиядан қайтган ўғилларнинг бошини иккита қилиш, уларга уй-жой солиш. Расулдим хўжалигимиздаги ғишт заводида ишлайди, директори Икромжон кўп яхши одам, аҳолимизни билиб, ёрдам қиламиз, дебди. Биздан қайтмаса, худодан қайтсин. Ўзим ҳам кейинги йилга олтмишга кирарканман. Худо раҳматли акангиз (эри — марҳум Анорбой Сатторов) бўлганда-ку, бошқача бўларди, аммо буёғига шукур, болалар катта бўлиб қолишди. Зўр юбилей қилайлик, дейишяпти. Ўшанда меним газетингга бир ёзгин, ука!

Озода ая Хўжабоева ўттиз йил ўқитувчилик қилиб, пенсияга чиққан. Турмуш ўртоғи Тохиржон ака эрта қазо қилди. Мана энди ўн фарзандни бир ўзи тарбиялапти.

— Ўтган йилги қувончли ишларимиздан бири катта ўғлим Дониёрнинг уй-жойли бўлгани, — дейди у. — Икки хонасини битказиб, алоҳида бўлиб чиқиб кетди. Уйни сувагани сувочки солмоқчи эдик, жуда қиммат сўради, шунда Дониёр «ўзим сувасам-чи» деб қолди. Сувади, бинойидек уста бўлиб қолибди. Шунга хурсандман. Яна бир қувончли воқеа иккинчи ўғлим Сайдуллонинг уйланиши бўлди. Келиним Тошкент тўқимачилик ва енгил саноатни институтда сиртдан ўқийди. Яна битта қувонганим, қизим Гулчехра Советободдаги саноат техникумида очилган ҳисобчилик бўлимига ўқишга кирди.

Олдинда қиладиган ишларимиз жуда кўп. Файзулло билан Хайрулло бир йил оралаб армиядан қайтишди. Колхоз икки ўғлимга уй солиш учун ер берган, аммо кучимиз фақат шағал тўқишга етди, холос. Ерга-ку маккажўхори, сабзавотлар эдик-а. Тўнғич қизларим турмушда. Бу йил эгизакларим Фотима ва Зухра мактабни битиришди, улар ўқишга кириши керак. Файзуллони бир иложини қилиб уйлаб олсам, кейинчилари катта бўлгунча ё раззоқ, қушлар яхши бўлиб қолар, турмуш изга тушиб кетар.

Мени хижил қиладиган нарса, Дониёр ва кичик келиннинг ишсиз юришидир. Кичик келиним Фаргона вилоят босмахонасида муҳр тайёрлаш цехида ишлаган, аммо бу ерда — Кўрғонтепада уни негадир ишга олгилари келмайди. Бу ерда ҳам шундай цех бор. Рўзғорда ҳозир ҳамма ишлаган тақдирда ҳам етишмовчилик бўлиб турибди, икки мутахассиснинг

(Дониёр Тошкент тегирмончилик техникумини битирган) бекор юриши эса бугун оғир нарса. Бобосидан қолган тегирмонни тиклаш учун эса маблағ йўқ, колхоз ёрдам ваъда қилди, аммо ҳеч ким келмади.

— Тақчиллик дехқоннинг қонини сўрмоқда, — дейди колхозчи Рашид ака Абдукаримов. — Чунки давлат томонидан келадиган қурилиш материаллари тўхтаб қолди. Бир тонна цемент 200 сўм, бир кубометр ёғоч 500—600 сўм ва бир донагина шифер 35 сўм бўлса, оддий дехқон қачон уй солади-ю, қачон боласини уйлайди. Бунақада уйлайдиган болаларимиз қариб кетишди-ку! Ер берилгани яхши бўлди, аммо уй солиш учун дехқон эски шимини ҳам сотадиган даражага келиб қоляпти. Бунга қачон бир эътибор берилиб, тартибга тушаркан, билмадим.

Янгангиз билан ўн битта болани катта қиляпмиз. Аммо бу йил машина уриб кетиб, ҳалок бўлган тўнғич ўғлимиз қадимизни букиб қўйди. Исмоилжонга янги уйни солиб, икки фарзанди билан кўчириб чиқарган эдик. Энди қонунга ҳам хайрон қоласан, ҳеч бир камбағалга қайишмайди. Бўлмаса соппа-соғ ўғлимизни ўлдирган, жиянини мажруҳ қилган маст одамга уч йил беришадими? Қайта қуриш дедик, ошқоралик дедик, бироқ ўзгартиш йўқ. Президентни пеш қилишди, амнистия чиқарган деб. Президент маст-аласт машина миниб, одам ўлдирганга енгиллик берилсин, демагандир.

Энди бу ёғини эшитинг, иккинчи ўғлим Усмоғнинг уйи битди, кейингиси Убайдуллонинг уйи томи ёпилди. Ўтган йили армиядан келган Исмаилов юрибди. Музаффар ёзда хизматдан келади, икковини бараварига уйлаб юборсаммикан. Лекин қўл кал-

та-да. Шахсан мен қирк йилдан бери хотиним билан ишлаб келган колхоздан ҳеч қандай ёрдам олмадим. Қишлоқдаги магазиндан бирор маротаба киши бошига тўлик миқдорда ун, гурунч, шакар ололмадик. Ўзимиз эккан пахтадан чиқадиган мой, совун, чигта зормиз.

— Унчалик ёмон аҳволда яшаётганимиз йўқ, — дейди қирк йилдан бери 36-автокорхонада хайдовчилик қиладиган Қосимжон ака Худойбердиев. — Магазиндан таркатилаётган маҳсулотлар учма-уч бўлса ҳам етиб турибди, унча-бунча бозордан сотиб оламиз. Гўштнинг нархи бир кўтарилиб, ҳозир яна тушиб қолди. Ўзимизда ҳам унча-мунча дон бор, чорвага озука ҳам етарли.

Энди, ука, ташвишсиз бош бошми! Катта ўғлимиз Қаюмжоннинг икки хонали уйини эплаб битказиб, бўлак қилиб қўйди. Аравасини ўзлари тортишсин, бизга бу ёғи ҳам етарли. Энди фарзанд экан, битта сигир ҳам бердик, униб-ўсиб кетинглар деб дуо қилдик.

Қизларнинг катталарида олтита. Қаюмжонда учта, жаъми тўққизта неварамиз бор. Иккинчи ўғлимиз Муҳаммаджонга уй солиш шарт эмас, шу ўтирган уйимизга уни бемалол уйлосак бўлаверали. Биз чол-кампарга четдаги бир хона етади. Энди Фотима-Зухраларни лойик-қобил жой чикса, узатсак, кейин Маҳаммаджонни уйлосак, бошқа ташвишимиз ҳам қолмайди.

Феълимизни кенгроқ қилайлик! Замоноамиз тинч, республикамиз Президент ва ҳукумати меҳнаткашлар турмуши бут бўлсин деб ташвиш чекмоқда. Тоқатли, матонатли бўлайлик! Шунда кийинчиликларни осон енгамиз.

Қосимжон ақанинг ана шу сўзларини ҳамқишлоқларим билан суҳбатга энг яхши яқун десам бўлади. Аммо, аҳволнинг бутун республикамизда бир хил эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларининг чинакам ҳимоячилари — касаба уюшмаларининг фаоллиги янада ошиши керак, деган фикрни айтгимиз келади. Зеро, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида энг кам иқтисодий ҳимоя қилинган қатлам — бу қишлоқ меҳнаткашларидир. Эътибор берган бўлсангиз, биз суҳбатлашган кишиларнинг бирортаси ҳам касаба уюшмаси ҳақида миннатдорчилик билан гапирмади. Бу билан биз жойлардаги касаба уюшмалари ёмон ишлаяпти, демокчи эмасмиз, аммо уларнинг яхши ишлаётганлигини ҳам сезмадик.

Ўзқобой САКСОНБОВ,
Андижон вилояти, Кўрғонтепа районидagi
Навоий номли жамоа хўжалиги.

Жиззах шаҳридаги 9-хунара техника билим юртида ўқув-тарбия ишларининг қатъий назорат қилинмаслиги — дарсга келдингми-йўқми, бўш вақтларингда нима билан шуғулланаяпсан, деб ҳеч ким суриштирмаслиги... Валерийга ўхшаганларга жуда қўл келди. У яқин ўртоғи Асан билан навбатдаги «ов»нинг режасини тузиб олди. Вақт айти тушликка етганида Ивановская кўчасидаги уйларнинг бирига «тушишди». Уй эгалари ишда эди. Шу боисдан, уйни бир бошидан секин тинтув қила бошлашди. 400 сўм пул, ФЭД-5 маркали фотоаппарат, микрокалькулятор, ҳаммаси бўлиб, 537 сўмлик нарсаларни ўлжа қилишди-да, ғойиб бўлишди. Лекин, улар узоққа боришолмади...

Суд қора курсисидида ўтирган икки ўсмир хўн-хўн йиғлайди. Уларнинг ёнида ўтирган ота-оналари ҳам кўз ёшларини тўхтата олмасдилар...

Бундай жиноятларнинг кун сайин ўсиб бораётгани кишини ўйлантириб қўяди. Ўтган йилларда Жиззах вилоятида жами 6003 та жиноят аниқланган бўлса, шундан 285 таси ҳали балоғат ёшига етмаган ўсмир ёшлар томонидан содир этилди. Айниқса, Жиззах шаҳри Ғаллаорол, Пахтакор, Октябрь районларида жиноятчилик ортиб борапти. Бунга нима сабаб бўлаяпти?

Кейинги пайтда турмуш қийинлашиб кетди. Иқтисодий муаммолар кун сайин юзага қалқиб чиқаётди. Лекин, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб улгурмаган, оила тебратиш бошига тушмаган ўсмирларнинг жиноят кўчасига киришига нима мажбур қилаяпти? Буни таҳлил этиб кўриш керак.

Бизда ҳар бир оилада камида 4—5 бола бор. Богчаларда эса жой етишмаслиги катта муаммо. Шунинг учун ҳам болаларнинг асосий қисми оилада тарбия топади-

ХАЗОН
БЎЛМА,



Бол
лиқ

лар. Уйда зериккан бола кун бўйи кўча-кўйда, ҳар хил одамлар орасида бўлади. Оқибатда у салбий томонга ўса боради. Шунини алоҳида айтиш керакки, болалар ўртасидаги жиноятчилик қишлоққа қараганда кўпроқ шаҳарларда учраб туради. Биргина Жиззах шаҳрида ярим йилда ўсмирлар томонидан 23 та жиноят содир этилди. Чунки, шаҳарда истиқомат қилувчиларнинг асосийси осмонўпар биноларда яшашади. Ҳеч бўлмаганда, бўш вақтларида меҳнат қилиш учун томорқа ҳам йўқ. Мактабдан чиққан болакай кечгача нима иш билан машғул бўлиши мумкин? Борди-ю, ота-онаси ҳам ишда бўлса-чи? У ҳолда худо берди деяверинг, аввал бекорчиликдан майда безорчилик, сўнг кичкинагина ўғрилиқ қилади. Кўриб турибсизки, сал ўтмай жиноятчиға айланади. Ва қабих ишларни амалга ошира бошлайди...

Кейинги йилларда мактабларимизда ўқувчилар тарбиясига бўлган эътибор анча суясади. Бир пайтлар баъзи юқори синф ўқувчилари у ер бу ерда яширинча тамаки чекишган бўлса, эндиликда бу ошқора тус олди. Ҳозир қайси бир мактаб ҳовлисида кирманг, тамаки чекиб юрган ўқувчиларга кўзингиз тушади. Керак бўлса, муаллимларидан сўраб ёки улар билан қўшилиб чекишадди. Хўш, бундай ўқувчилардан эртага нима кутамиз? Бугун тамаки чеккан, ароқ истеъмол қилган болакай эртага қора дори истеъмол қилмайди, деб ким кафолат бера олади?

Яқинда Жиззах шаҳар судида кўрилган бир масала эътиборимни ўзига тортиди. Элимдор исмли йигит эски танишлари Пўлат ва Зафарни учратиб қолади. Уч ўртоқ биргаликда йўлтўсарлик ишларини амалга оширишга келишиб олишади. Бу «иш»ни ўз касби-қорига айлантириб олган Элимдор йигитчаларни шаҳардаги чўмилиш ҳавза-

сига бошлайди. Ва режани шу ерда амалга ошириш ниятида нотаниш бир ўсмир — Суннатилло Қобиловни аввал роса дўппослашади. Кейин дўк-пўпса қилиб, ундан наркотик модда топиб келишни талаб қилади, бу моддани «Родина» кинотеатри ёнига олиб келмасанг оқибати ёмон бўлади, деб қайта-қайта такрорлашади. Ниҳоят шарт бўйича эртасига айтилган жойда учрашишади. Бироқ, Суннатилло наркотик модда тополмаганини, унинг ўрнига пул бериши мумкинлигини айтади. Элимдор бунисига ҳам рози бўлиб унинг 50 сўмини чўнтакка уради. Милиция ходимларининг тезлик билан кўрган чора-тадбирлари натижасида Элимдор қўлга олинди...

Шундай қилиб, эндигина ўн еттини қаршилайётган Элимдор Мамбетов икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳали она сути оғзидан кетмаган, мактаб партасидан ажралмаган ўспириннинг жиноятчи бўлишига оила билан мактаб ўртасидаги муносабатнинг бузилганлиги ҳам сабаб бўлди. Ота-она ўз ихтиёри билан «бола»нинг ўқиши қандай, деб мактабга бормаса, ҳаттоки, ўн биринчи синфни битираётган боласининг синф раҳбари қимлигини ҳам билмаса, ота-оналар йиғилишлариға қақиртирганда ҳам қатор-қатор баҳоналарни рўқач қилиб келишмаса. Қимдан ўпқаланиш керак ахир? Менимча, мактабларда ҳуқуқ дарслари чуқур ва мукамал ўтилса, жиноий ишларнинг оқибатлари ҳақида тажрибали юристларнинг ўзлари бу фандан сабоқ беришса кўзланган мақсадга мувофиқ бўлар эди. Нима бўлганда ҳам, бегубор болалик завоқ кўрмаслиги керак. Бутун эътиборни мана шунга қаратмоқ даркор.

Эркин ШЕРМОНОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни
толиби.



Ичкишкка ружу қўйиб, «Отоси ўлмаган ким бор, отоси ўлмаган ким бор», деб маҳалла-қўйда қўшиқ айтиб юрган Шербек-пиён бир кечада қамалди-қолди. Миршаб уни маҳалла чойхонасидан қўлини орқасига қилиб олиб чиқиб кетди. Ҳар гал «Ўзимизнинг пиён-да», деб ўртага тушиб кутқаради-ганлар, бу сафар ноилож қолди.

Шербек-пиён чойхона остонасига етганда ўтирганларга: «Нега жимсиз», деган маънода илтижоли қаради. Миршаб унинг орқасидан итариб юборди.

— Қани, олдимга туш!

— Қўйворинг мени,— ялинди ўрнидан тураркан Шербек-пиён.— Мен сизга нима қилдим ичсам, ўз пулимга ичибман-да...

— Бу гапларингни бориб каттаимизга айтиб бера-сан,— деди миршаб.

— Мени олиб бориб нима қиласиз, қўйворинг, уйга кетаман,— ялинишга тушди Шербек-пиён.

Аммо Миршаб унинг бу ялинишларига кулок солмай астойдил судрар эди.

— Мана кўринг.

Навбатчи унинг оғзига кафтини босди:

— Жим-м. Ҳой, одамни хонавайрон қиласан. Аканг билан оғайни бўлганнинг падарига минг лаънат.

Навбатчи табиатан юмшоқ одам эди. Шунинг учун дўк-пўписа қилмай секин тушунтирди.

— Шербек, ўз бошингга ўзинг етдинг ука. Халклар дохийси билан ҳазиллашиб бўладими? Биласанми, охири нима билан тугайди.

Шербек-пиён бошини сарак-сарак қилди. Навбатчи билмасанг билгин дегандек, қўли билан шимол томонни кўрсатди.

— Сибир деган жойни эшитганмисан?

Шербек-пиён тиз чўкди.

— Акажон, ўзингиз босди-босди қилинг, хўп денг, ўртоқ начайлик.

Навбатчи эшикда турган миршабни чақирди.

— Олиб чиқинг буни!

Шербек-пиён миршабхона ҳовлисига чиқар экан,

— Улар ҳам пиён бўлади, мен ҳам пиён бўламан,— кулди у.— Бунинг ҳаммаси дўстлик учун. Душманлар ичмайди. Мана Сиз...

— Улар билан мен ҳам ичаман,— жавоб берди Мадали-шайтон.

— Мана шундай,— деди Шербек-пиён.— Энди қолганини ҳам айтмайми?

— Айт, айт,— унинг оғзига тикилди Мадали-шайтон.

— Хўш, сиз айтиб беринг-чи, ўртоқ ҳукумат одами. Мана мен ўттизга кириб нимани кўрдим. Бола-чақамни тўйдириб боқолмасам. Гавронга ўрганган ҳўкизга ўхшаб яшайман-да. Бу юртдан бош олиб кетай, десам бола-чақамни кўзим қиймайди.

— Сотқинлик қилма,— деди Мадали-шайтон.

— У жойлар ҳам банд,— деди Шербек-пиён.— Унияма эплаган одам қилади.

— Бу гапларни сен айтмадинг, мен эшитмадим,— чўчиб атрофига қаради Мадали-шайтон.

Шербек-пиён яна бир нарса демоқчи эди, Мадали-шайтон «э, қўй-е», дегандек қўлини силтаб маҳалла чойхонаси томон юриб кетди. Анча жойга боргач, тўхтаб, овоз берди:

— У, пиён, эртага чойхонага чиқ, сиёсий ўқиш бор. Камрок ичиб кел.

Маҳалла чойхонаси кўча бошида эди. Уша йилларда ҳамма жойда бўлгандек, бу ерда ҳам кунда-кун ора йиғин ўтарди. Бир сафар янги сайлов ҳақида суҳбат бўлса, яна бир гал байрам чақириқлари ўқиб эшиттирилар эди. Бу ишларнинг ташкилотчиси Мадали-шайтон бўлиб, унинг асосий вақти ана шу чойхонада ўтарди.

Мадали-шайтон бирон бир йиғин ўтадиган бўлса, икки-уч кун олдин маҳалланинг катта-кичигига хабар қиларди. Ўзи эшик олдида стол-стул қўйиб олиб, келганларни рўйхатга оларди. Катнашмай қолганларни бирма-бир тергаб, «сиёсатга қаршисанлар» деб дўк-пўписа қиларди.

Унинг гап-сўзидан бешиб қолган маҳалла аҳли чойхонада йиғин бўлармиш, деган хабарни эшитишса бўлди, бири-кетин айтилган пайтда йиғилар, баъзида эрлари ўрнига аёллари келар. Мадали-шайтон эса сўзининг ўткирлигидан хурсанд эди.

Яқшанба кuni эди. Шербек-пиён сиёсатдан беҳабар қолмайин деб, чайқалиб чойхонага кириб келди. Остона олдида туриб, ўтирганларга қаради. Биров унга эътибор берди, биров эътибор бермади. У ўзига жой излади. Бўш ер кўзга чалинмади. Чойхона гавжум эди. Шербек-пиён шу чайқалганча чойхонадаги «Қизил бурчак»ка яқин борди. Рўзнома, ойномаларни суриб қўйиб, оёғини осилтириб стол устига ўтириб олди. У ўнг томонга қўлини тираб, чойхоначи Қоровой акани имламоқчи эди, остидаги стол тебраниб, Сталиннинг бюсти пастга ағдарилиб тушиб бир неча бўлакка бўлиниб кетди.

— Ие,— деди Шербек-пиён, ўтирган жойидан сакраб тушиб,— бунинг ичи бўш эканми?— у дархол бюст бўлақларини шоша-пиша йиғиштира бошладди.— Қаранглар,— деди ўтирганларга кўрсатиб, алибастр билан котирилган экан.

Чойхўрлар унинг гапини эшитмасликка, Шербек-пиён томон қарамасликка ҳаракат қилишди. Чойхоначи Қоровой ака бўлса ранг-кути ўчиб, тошдек қотиб қолди. Дамлаётган чойнаги қўлидан тушиб синди.

Мадали-шайтон ўтирганларнинг оғзига қаради. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Шошманглар,— деди сўнгра,— ҳозир бу галварсни жойига олиб бориб қўяман,— Мадали-шайтон Қоровой аканинг белидаги қизил кийингини ечиб олди. Бюст синиқларини авайлаб териб қийиққа солди. Тугўнлаб кўтарганча шошилиб эшик томон юрди.

Қоровой ака зўрға ўзига келиб, унинг изидан сўз қотди:

— Билмасдан қилди, ука, аҳли мусулмон кўрди, ёш жонига жабр қилманг, бир ёғи ўзимизнинг Шербек-пиён.

Ана шундан кейин Қоровой аканинг сўзларини кўрқа-писа қувватловчилар кўпайди. Аммо Мадали-шайтон алақачон кетиб бўлган эди...

Турманинг қоронғи ҳужрасида ўтириб, Шербек-пиённинг кайфидан асар ҳам қолмади.

— Э, худо,— деди у,— мени хору зор яшасин учун яратдингми? Бор эсанг айт, биздақаларга кимнинг раҳми қилади.

Шербек-пиён жим қолди. Ахир деворнинг ҳам қулоғи бор, дейишади-ку. У ўзига ўзи тасалли беришга тушди.

— Мулла Шер, Сибирни кўриш ҳам пешонамда бор экан-да, У ҳам ёмон юрт бўлмаса керак.

Шербек-пиён бошини деворга тираганча алғовдалғов хаёллар билан холсиз уйкуга кетди. Унинг уйқуси каттик эди. У шу ётганича етти йилдан кейин уйғонди...



Шербек-пиён шу алфозда юриб тепасида хира чирок ёниб турган миршабхона эшиги олдида келганида бирдан хушёр тортиб, тўхтаб қолди.

— Мени шу ерга олиб кирманг, акажон,— у ичиб тушавериб бу ернинг мазасини татиб кўрганди. Шербек-пиён чўнтакка қўл тикди.

— Жаримасини ўзингизга тўлаб қўя қолай.

Миршаб атрофига аланглаб қарар экан: «Нималар деяпсан», дегандек миршабхона эшигини очиб, тўрда ўтирган навбатчига юзланди:

— Мана, олиб келдим, ўртоқ начальник.

Шербек-пиён бу одамни танир эди. Шунинг учун бўлса керак, қўлини кўксига қўйиб букилди:

— Ассалому алайкум, ўртоқ начайлик, акажон. Қиттак-қиттак қилиб, шу денг, чойхонада учиб қоб-миз. Уша ерда ётаман десам, мана бу акамиз бу ёкка олиб келди. Мени ўзингиз қўйиб юборинг, кетақолай. Улай агар, энди ичмайман.

Навбатчи ундан кўзини узмасди.

— Акангнинг ҳурмати, бу сафар ҳам жавоб берардим,— деди у, олиб келган миршаб чиқиб кетгач.— Лекин Шербек, ишларинг чаток. Менда ҳам болачака бор.

— Ха-ха, бола-чақам бор,— деди Шербек-пиён.— Акамнинг ҳурмати учун жавоб беринг.

Навбатчи чуқур хўрсинди. Енида турган тугунни стол устига қўйиб очди.

— Бу нима, Шербек? Энди бу борада аканг ҳам ҳеч нарса қила олмайди. Аслида бу иш учун сени отиш керак. Акангга ҳам, менга ҳам жон ширин. Сенга эса...

Шербек-пиённинг бошидан хуши учиб кетди. Оёғига қалтироқ кирди. Кўз олди қоронғулашиб, бирдан хўнграб юборди.

— Акажон, мени қамаманглар, жон начайлик. Биласиз, бола-чақам бор. Раҳм қилинг.— У стол устидан кўзини узмай давом этди:

— Ўртоқ Сталиннинг ҳайкалларига қўлим тегиб кетди. Ўзи омонат турган экан. Мана, бўлақлариниям кўриб турибсиз.

— Омонат...

— Ха-ха, омонат турган экан, ишонинг. Мусулмонсиз-ку, акажон, начайлик. Қўйворинг мени. Эртага бор-бутимни сотиб янгисини олиб бераман. Қўлим сал тегиб кетди. Ичи бўш ясалган экан. Мустаҳкам бўлса синмас эди. Мўрт экан. Худо урсин агар. Мана, ўзингиз ҳам кўринг.

Шербек-пиён бюстнинг бир парча синиғини қўлга олди.

кўзи маҳалла фаоли Мадали-шайтонга тушиб қолди.

— Амакижон,— деди унинг йўлини тўсиб,— айтинг, мени қўйиб юборишсин.

Мадали-шайтон юзини тесқари буриб, унинг сўзини эшитмаганга олди. Шербек-пиённинг хўрлиги келди:

— Емон бўлсанг, ҳамма сендан юз ўғирар экан-да. Мадали-шайтон унинг бу сўзларини деярли эшитмади.

Навбатчи хонасига кириб кетди.

Миршаб бурчакдаги қоронғу хона эшигини очиб Шербек-пиённи орқасидан итариб юборди. У гандирақлаб бориб девор бурчагига суяниб қолди. Эшикка кулф солинган, Шербек-пиён чиндан ҳам қамалганига ишонди. Қоронғу хонада қолар экан, «Эй дунёйи бевафо», деб чуқур уф тортиди. Нахотки унинг арзига биров кулок солмаса. Синган бюстнинг янгисини сотиб олиб бераман, деса кўнмаса. Топилмас матоҳ эканми шу. Дўконларда тахланиб ётибди-ку. Дохийнинг ўзи омон бўлсин. Унинг арзини анави Мадали-шайтон ҳам эшитмади. Одам қуриб кетгандек, келиб-келиб унга ҳам эланиб кўрди. Ўзи кейинги пайтда ичиб олса, нуқул Мадали-шайтонга дуч келадиган бўлиб қолди.

Кечагина йўлини тўсиб шу одам уни гапга солди.

— У, шер, кўзингни оч, юрт безга эмас,— деди шайтон.

— Қайси юртни сўраяпсиз, амакижон,— унга тегажоғлик қилди Шербек-пиён.— Юртнинг эгаси битта, сиз шуни биласизми?

— Биламан,— деди Мадали-шайтон.

— Билмайсиз,— деди Шербек.— Сиз шапқани бостириб қийиб, нимани кўрардингиз. Сизнинг ҳам, менинг ҳам юртимиз йўқ. Қурук паҳса уйимиз бор, холос. Юрти бор одам бошқача яшайди.

— Қанақа яшайди?

— Билмайсиз, буни яқка ўзи билади.

— Яқка ўзи ким, худо демоқчимисан?

— Сиз худони қаердан биласиз? Мен яқка ўзи, деяпман.— Шербек-пиён уни аврашга ўтди.— Яқка ўзи бу — дохий Сталин. Е ундан ҳам кўп биласизми?

— Ха-ха. У киши яқка ўзи.

— Мана, кўрдийимми?

— Кўрдим, кўрдим,— деди Мадали-шайтон.— Хўш айтчи, унда сен нега ҳар кuni пиён бўласан.

— Ўрус ўртоқларим билан ичаман,— жавоб берди Шербек-пиён,— ё бунга ҳам қаршимсиз.

— Улар билан ичганинг яхши-ю, пиёлигинг ёмон-да, Шер.



ОЛИМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Экстрасенс, фолбин, табиб кабиларнинг ажойиб ва ғаройиб воқеа-ҳодисаларни шарҳлашларини эшитиб лолу ҳайрон қоламан. Ҳуд ҳар кимнинг юрагида ишонч ё қўрқинч ҳисси-туғилади. Лекин шундай бўлса-да, халқ мақоли билан айтганда шамол бўлмаса дарахт шохлари қимирламайди.

Дарҳақиқат, бу мавзуда жуда кўп шубҳали ва шубҳасиз, тўғри ва нотўғри тасаввур ва далиллар халқ томонидан, нотинч замонамиз шивир-шивирлари ишончни қозонмоқда. Мен ҳозирги пай тдаги Самарканд аҳолисининг суҳбат авзуси бўлиб қолган экстрасенслар ҳақида гапириб бермоқчиман.

Сеанслар ўтказиладиган вақтда йўловчи сифатида ўтиб кетаётганим, кўзим кассага ёпишган талатўп одамларга тушди. Сал нарироқда эса бир нуруний, касалманд кампир ўтириб, атрофга алазрак назар ташларди. У билет олиш ниятида ташриф буюрган бўлса керак, куруқ бетонда ўтирар, кайфияти бузилганлиги шундоқкина афти-ангоридан кўриниб турарди.

Яқинда хоразмлик экстрасенс билан учрашиб, унинг фаолиятини ёритмоқчи бўлдим. Аввалига мен бу одамларга ишонардим, лекин суҳбат давомида унга яқинроқ ўтиришни таклиф этдим, у киши эса мумкин қадар менидан ўзини тортарди. Бу нарса мени шубҳага солди ва ўзим унга томон яқинлашдим. Ундан ичимлик, арок хиди гуркираб турарди. Афсус, шундай муқаддас гаплар чиппака чикди.

Суҳбатидан англашимча у киши шифо бериш йўлини ислом ва шарият қондаларига мослаштирган ҳолда бир режага солар эканлар, лекин ўзингиз ўйлаб кўринг-а, кайфи тарак ёхуд ширакайф киши нималар ҳақида сўзламоғи ва қандай даволамоғи мумкин. Шундай бўлса-да мулоқотда бўлган кишилар ўтказилган учрашув сабоқлари ҳақида гапириб беришди. Шу боисдан бўлса керак, бу мавзунини ёритишни ўзимга эп кўрмадим.

Автобус ва одамлар гавжум жойларда, чойхона ва маъракаларда, халқ оғзида таъриф қилинаётган саногий йўқ экстрасенс ва ғаройиб йўл билан даволоччи одамлар ўзи нима билан шугулланмоқда? Хўш бу мавзуда бизнинг олимларимиз, илмий тадқиқот ишлари билан банд одамлар нима жавоб бераркан? Бу нарса шу куннинг энг долзарб масаласи десак адашмаймиз. Лекин, бу ҳақда шу пайтгача газета ва журналларда етарлича ёритилмаган. Хўш шундай экан, рухунослар нима учун четда қараб туришибди?

Шу боисдан мен сеансга келган бир талай дардмандлар, дўхтир мутахассислар ва умуман шаҳрвандлар билан суҳбат ўтказдим. Бу нарса газетхонларни қизиқтирса керак, лекин бу нарсага мутахассис олимлар нима дейишаркин?

Кимё Баротова, самаркандлик, 58 ёшли аёл.

— Кўп йиллардан бери оёғим дардини тортиб келаяпман. Жуда кўп азоб берди менга. Қаерларга мурожаат қилмадим, қаерларга бормадим ва нималар қилмадим... Барибир фойдаси тегмайди. Мана кўринг, яқинда бир гуруҳ дардмандлар билан фолбин-табиб хузурида Фарғонада бўлдим. Лекин ҳамма айтган сўзларини қилган бўлсам-да, ҳеч қандай ўзгариш сезмадим. Дард зўр келгандан кейин одам девона бўлиб қоларкан. Мана шунинг учун ҳам бу ерда ўтириб, янги келган экстрасенс сеансларига кирмоқчиман.

Т. Ҳакназаров, биринчи даражали врач, пулли клиника бош врач бундай шундай деди:

— Экстрасенс, фолбин ва бошқалар ҳақида гап кетганда кўз олдимда фарибгар ва дуоғўй кишилар гавдаланади.

Масалан, Қашпировский сеансларини олайлик. Агар диққат билан қараган бўлсангиз, шуни кўрасизки, у айтган сўзлар одам холатининг барча хилларига тўғри келади. Уларнинг психологик билимлари етарлича ривожланган, улар етук психолог бўлганликларини мен врач сифатида тан оламан, албатта, лекин мен материал бўлганлигим учун, фақат реал борлиқни тан оламан, холос.

Бу ва бунга ўхшаган фикр ва мулоҳазаларни кўп келтиришимиз мумкин. Кўр-кўрона хар-хил йўлларга кириб даво излаш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Мен экстрасенсларга нисбатан зиддик тарғиботини олиб борапман.

Ҳар бир нарсани инсон реаллик нуқтаи назаридан қабул қилиб олиши керак. Истардимки, экстрасенслик фаолияти ҳақида олимларимиз ва тадқиқотчиларимиз кенгроқ ва холисанилло аниқ қилиб ёзсалар яхши бўларди. Шунини айтиш жонзки, бир қанча суҳбатда бўлган врач ва бу соҳа ходимлари бу саволимга жавоб беришолмади.

В. МАЪРУФИЙ.

ЯНГИ РУКН ОЧИЛСА!

Мен «Ишонч»нинг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Газетани яна ҳам ўқимшли қилиш мақсадида шундай таклиф киритмоқчиман. Навбатдаги

сонларда «Тикланаётган тарихимиз» деган янги руқна очилса. Унда униталаётган Ўзбекистон тарихи саҳифалари мунтазам ёритиб берилса.

С. МАМАЮСУПОВА,
Тошкент вилояти,
Бекобод райони.



Сурхондарё вилояти. Чўпон таёғи ерда қолмасин, деган нақлга амал қилаётган Дехқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» давлат хўжалиги чорвадорлари чорва кишловини муваффақиятли ўтказмоқдалар. Суратда: хўжалик бош чўпони Тошмаат ва зоотехник Урол Жабборовларни кўриб турибсиз.

Сураткаш Ж. БОБОРАҲМАТ

АТРОФИМДА ЯХШИЛАР КЎП

Ҳафтанома мунтазам ўқиб бораман. Ундаги руқна мақолаларнинг ҳаётийлиги, пишик-пухталиги, фикрларнинг изчиллиги менга ёқади. Айниқса, оддий кишлок кишиларнинг хат-хабарларини қизиқиб билан ўқийман. Шу боисдан газетани ўзимга яқин олиб, дилимдаги баъзи гапларни ёзиб юборапман.

Газета саҳифаларида инсоний фазилатлар йўқолаётганлиги ҳақида баъзи мақолаларни ўқидиму, лекин бу фикрга қўшилмадим...

Асли ўн уч фарзанд кўрган бўлсам-да, болаларимнинг етти нафарини юлдуз юзини кўрмай оламдан ўтган. Бунга кейин билсам менинг захарланган сутини сабаб бўлган экан. Тушқуликка тушиб кетдим.

Шунда мени қайғули оламдан жонажон кўшчиларим Зайнабхон, Бибиҳон, Шарофатхон, Мохтобхон ва Рўзигулхонлар қутқариб олдилар. Улар ўз покиза диллари, жонбахш оқсутлари билан кейинги олти нафар боламни ўлимдан асраб қолдилар. Мен улардан бир умр миннатдорман. Шундай бағри кенг, меҳри дарё одамлар ҳақида қанча ёзсанг, шунча оз.

Ҳилола САМАДОВА,
Сурхондарё вилояти
Бойсун райони
Сайроб кишлоғи,
Дашти Ҳисор
маҳалласи.

БУ КЎЗДА ТУТИЛМАГАН

Чирокчилик муаллимлар — Фазилат Иброҳимова, Румия Аюпова-лар бизга мактуб йўллашиб, «кўпчилик мактаб муаллимлари «халқ маорифи аълочили» нишони билан тақдирланганлар, бу нишон учун уларга қўшимча ҳақ тўланадими? Еки йўқми?», деб сўрашибди.

Бу саволга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан қуйидаги жавобни олдик:

«Ушбу сўров бўйича шунини маълум қилдик, Ўзбекистон Республикаси «Халқ маорифи аълочили» нишони билан мукофотланган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш қонунчиликда кўзда тутилмаган.

Х. НУЪМОНОВ,
кадрлар бошқармаси бошлиғи.

Яна бир чирокчилик газетхонимиз Эрназар Қулбоев бир неча ойдан буён иш ҳақини ва товон пулини ололмаётганидан қуйиниб ёзган экан. Масалага газетанинг аралашувидан кейин, бу муаммо ҳам ечилди. Қашқадарё вилояти дехқончилик-саноат тармоқ ходимлари қасаба уюшмасидан келган жавоб шу ҳақдадир.

Дехқончилик-саноат тармоқ ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кўмитаси Чирокчи район Ильич номли давлат хўжалиги ишчиси Қулбоев Эрназарнинг сизларга йўллаган шикоят аризаси жойида кўриб чиқилди. Унга 1991 йил учун 10 ойлик иш ҳақи ва товон пуллари олиб берилди.

Э. СУВОНОВ,
қасаба уюшмалари вилоят
кўмитасининг раиси

АРЗ ҚОНДИРИЛДИ

Комсомолобод районида Холбўта Саидмуродов имзоси билан келган ва «Ишонч»нинг 1991 йил 8 октябрь сонидан билан «Ёрдам беролмаймиз» мақоласига шу район ижроия кўмитасидан қуйидаги хайрли жавобни олдик.

Хатнинг қисқача мазмунини эслайлик: Холбўта Саидмуродов моддий томондан қийналганлиги, кийим-кечак пулини ололмаганлиги, пенсия миқдорининг озлиги, Афғонистонда ўз байналмилал бурчини ўтаганлиги, лекин имтиёزلардан фойдаланмаётганлиги баён қилинган эди.

Жавобни Комсомолобод район ижроия кўмитасининг раиси А. Ҳакимов ва ижтимоий таъминот бўлимининг раиси О. Отахоновлар йўллаганлар:

Дарҳақиқат Саидмуродов Холбўта Афғонистонга бориб хизмат қилган, лекин харбий комиссариат орқали унга ҳеч қандай гувоҳнома берилган эмас эди. 1991 йил 15 октябрда Комсомолобод район харбий комиссариати томонидан «Гувоҳнома» берилиб, ҳуқуқимиз томонидан берилган имтиёزلардан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Бунга «Оқ олтин» совхозини томонидан яшаш шароити, моддий қийинчиликни ҳисобга олиб, байрам кунлари ва янги йил кечаларида совға тариқасида моддий ёрдам бериб турилган. Яшаб турган уйи давлатга қарашли бўлиб, уч хонали. Табиий газ билан таъминланган. Яшаш учун қулайликлар мавжуд, олдидан 0,06 га ҳовлиси ҳам бор.

1988 йил 13 январда умумий касаллиги билан II-группа ногиронлиги учун 86 сўм 25 тийин пенсия тайинланган. Лекин аризачи Саидмуродов Холбўта «Мен Афғонистонда ногирон бўлганман. Шунинг учун менга Улуғ Ватан уруши ногиронларига тенглаштирилган ҳолатда пенсия қилиб берасизлар...» деб мурожаат қилган.

Афғонистонда хизмат бурчини ўтаётган вақтда олган жароҳат ёки контузия ҳақида Ҳарбий Госпиталдан келтирилган касаллик тарихи тўғрисидаги ҳужжатни ҳозиргача район ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этмаган.

1991 йил 1 апрелдан асосий пенсия миқдори 91 сўм бўлиб компенсациялар билан 351 сўмни ташкил қилади. 1992 йил 1 январдан эса 436 сўм 95 тийин бўлади.

1991 йил 18 октябрда 0/2460 сонли почта орқали пул юбориш билан Холбўтанинг умр йўлдоши Саидмуродова Ҳосилага кийим-кечак учун Андижон вилояти пенсия ва нафақа тайинлаш ва тўлаш марказидан 510 сўм пул келди.

Бундан ташқари Саидмуродов Холбўтага «Ботаника» санаториясига 1991 йил 27 сентябрдан то 1991 йил 20 октябргача муддат билан даволаниб келиш учун район ижтимоий таъминоти бўлими орқали бепул йўлланма берилди.

Ҳозирги вақтда Саидмуродов Холбўта ва унинг оиласи ҳам ишламаганлиги учун болаларига ва ўзларига тегишли барча нафақаларни район ижтимоий таъминоти бўлими орқали тўланапти.

Муҳарририятдан: Инсонга эътибор, мадад учун ҳам-хўр, меҳрибон ташкилот ва унинг ходимларига миннатдорчилик билдираемиз.

ХРУШЧЕВ ҲАМ ҚАРШИ БЎЛГАН ЭДИ

● **ТЕЛЕВИЗОР** экранларидан, газета саҳифаларидан, радио орқали Ленин жасадини ерга кўмиш ҳақида чакириқлар бўлаётир.

Бунга қарши гаплар ҳам айтилаётир. Бу чакириқларни турлича талкин қилиш мумкин. Баъзи кишилар: «Ильичдан кўлингни торт!», «Ленинни ҳеч кимга бермаймиз» сингари шиорларни айтишяпти. Норозиликлар тўлкинида сиёсий фаолият кўрсатиб колмокчи бўлган унча ақлли бўлмаган бекорчи одамлар ҳам топилди колмокда.

Табобат соҳасида профессорлик даражасига эришган мени бу мунозарага кўшилишга нима мажбур қилмокда?

Мен Н. С. Хрушчев хонадонидан кўп марта меҳмон бўлганман ва у ҳам менинг уйимга ташриф буюриб турарди. Мен шу кишининг фикрини келтириб ўтмоқчиман.

Бир кунни С. М. Будённий вафоти муносабати билан тўкиб чиқарилган латифани айтиб берган Н. С. Хрушчев Ленин жасадининг тақдири ҳақида ҳам гап бошлаб қолди. Бу пайтда Хрушчев амалидан тушган ва «Иттифок аҳамиятидаги нафақахўр эди. Ўша пайтда бу латифани айтиш учун анча журъат керак эди. Эмиш, гўрковлар эрталаб С. М. Будённий қабридан: «Менга от келтиринглар. Менга от келтиринглар...» деган овозни эшитишган эмиш. Бу гапни Л. И. Брежневга айтишганда, у ўзи текшириб кўрмоқчи бўлибди. Белгиланган пайтда қабристонга етиб келибди. Қабристондан эса дафъатан: «Мен от сўраган эдим, сизлар эса эшакни бошлаб келибсизлар»,— деган овоз эшитилибди.

Аччиқ ҳақиқат бўлса-да кулгили эди. Шундан кейин гап ўз-ўзидан Москва

марказидаги қабристонга ўтди. Мен Кремль деворини ва унинг ёнидаги хотира қабрларини назарда тутаётиман.

Н. С. Хрушчев ўша пайтда бундай деган эди: «Мен буни мажусийлар давридан, балки ундан ҳам илгари замонлардан қолган сарқит деб ҳисоблайман. Россияда етишиб чиккан улуг Ленинни христианлар одати бўйича дафн этиш лозим. Унинг дафн этилмаган жасади атрофида байрамлар ва намоёнлар ўтказиш унчалик одобдан бўлмаса керак. Халқимиз эса қадим замонлардан томо-



шаларга жуда ўч... Ҳар қандай қок мурдаларга сизиниш ҳам авж олган. Мен Москва марказида вужудга келтирилган қабристонни умуман тугатиш тарафдориман, чунки у ерда Ленинга ҳам, революцияга ҳам иснод келтирган одамлар ётишибди».

Н. С. Хрушчев шундай деган эди: — Менинг шахсий фикрим мана бундай. Ҳаммасини йиғиштириб, Кунцево қабристонидан алоҳида ажратилган жойга кўчириш керак. Хоқлар қўйилган девор барпо этиш лозим. Лекин хоқларни жойлаштиришда уларни бир-бирдан фарқлаш керак бўлади. Маса-

лан, Г. К. Жуковнинг хоқи умр бўйи жиноят қилиб ўтган А. Я. Вишинский ёки шунга ўхшаш бирон киши хоқи билан бир даврда бўлмаслиги керак. И. В. Сталин хоқини ҳам Гори шахрига юбориш ўринли бўлур эди. Ахир Шалаяпин хоқи қайтадан дафн этилди-ку. Бунда ҳеч қандай шаккоклик қилинган бўлмади.

В. И. Ленин дафн этиладиган жой хусусида менинг фикрим мана бундай. И. В. Сталин вафотидан кейин КССС Марказий Қўмитаси пантеон куриш ҳақида қарор қабул қилган эди. Аммо бу иш амалга ошмайдиган ва керақсиз тадбир эканлигини ҳаёт кўрсатди. Ленинни ҳар ҳолда Ульяновск (Симбирск) шаҳрида дафн этиш керак. Бу ҳам адолатли, ҳам инсоний, ҳам ҳудого хуш келадиган иш бўлади.

М. ЖУКОВСКИЙ,
хизмат кўрсатган фан арбоби,
медицина фанлари доктори,
профессор.

Шуни ҳам кўшимча қилмоқчиманки, «Правда» газетасида В. И. Ленин Мавзолейи хузуридаги лаборатория директори, Медицина фанлар академиясининг академиги С. Дебов билан суҳбат босилиб чикди. Ана шу кўриқчилар ва қимматбаҳо усқуналар билан таъминланган жуда серҳаражат лабораторияга бошчилик қилган ҳамма кишилар нима учундир Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини оладилар, айримлари эса, академик Б. Збарский сингари қатағон қилинадилар. Мен С. Дебов билан суҳбат ҳақида айтган гапга ишонмайман. Исиккина жойидан ким ўзича маҳрум бўлишни истайди. Мурдалар ҳақида ғамхўрлик қилиб, фаровон ҳаёт кечираётган ходимлар ишлайдиган лабораториянинг ҳеч кимга кераги йўқ. Мамлакатимизда болалар ўлими тобора ортиб бораётир. Хўш, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ходимлари бемор болаларни қакшатган ҳолда мурдаларга катта пул сарфлашидан иборат ўтакетган адолатсизликка нима учун қарши чикмаётирлар?

Ўз ўринларидан ажралиб қолишдан кўркишяпқанмикан?

БИЛИБ

ҚУЙГАНИНГИЗ

ЯХШИ

2030 йилга бориб сайёра-мизда ҳарорат 1,5—4 даража исийди. Жаҳон океанининг сатҳи 20 сантиметр кўтарилади, демак кўпгина оролардаги давлатлар, биринчи навбатда Океаниядаги оролар сув остида қолади.

Сифатсиз сув истемол қилишдан ҳар кунни 25 минг киши ҳалок бўлади. Ер қураси аҳолисининг тахминан учдан икки қисми мусаффо ичимлик сувидан маҳрумдир. Натижада 4,6 миллион бола беш ёшга етмасидан нобуд бўлади.

Ҳар йили 100 га яқин биологик тур йўк бўлиб кетмокда. Ҳозир ер юзида жонли мавжудотларнинг 10 миллиондан 30 миллионгача тури бўлиб, уларнинг кўплари шу пайтгача ўрганилмаган ва тавсиф қилинмаган. Барча жонли мавжудот турларининг етмиш фоизи нам тропик ўрмонларда яшайди.

● **ГАЗЕТХОНЛАР** орасида шарқий спорт мусобақалари ва видео жангариларининг қаҳрамонлари ҳаётига қизиқиш ортиб бормокда. Қуйидаги материал мақолалар асосида тайёрланиб инглиз матбуотида чоп этилган.

Чак НОРРИС:

КАРАТЭ ЮЛДУЗИ— ЭКРАН ЮЛДУЗИ

Турли можаролар санъатининг асосчиси Чак Норрис ҳаёти ниҳоятда мароқлидир. У шундай ўтапти. Аввалига у, 27 ёшдан ошганида, соҳибжамол ёш қиз Дианага уйланди ва шу пайтгача у билан бирга яшаб келаётир. Бу эса Голливудда бирга умр кечираётганлар орасидаги рекорддир.

Ҳозир 46 яшар бўлган Норриснинг бўйи — 178 сантиметр, хипчадан келган ва вазни 76 килограмм бўлиб, аини спорт формасига тўлишган 26 яшар йигитга ўхшайди. Қон босими 114×70 бўлиб, томири бир дақиқада 42 марта уради. Бунга ҳар қандай марафончи ҳавас қилса арзийди.

Энди эса Чакнинг миллионларча доллар бойлиги, унинг оилапарварлиги, анъанавий Америка урф-одатларига содиқлиги ҳамда қотилларга ва қалла-қесарларга нафрат билан қараш сирларини озгина ошқор қилмоқчимиз.

«Кэнон Филмз» студияси билан шартнома имзолаган ҳамда бор-йўғи 7 йил ичида 14 та кинофильмда бош ролларни бажарган ана шу жанговар ва матонатли йигит ҳар бир фильм учун 2 миллиондан 3 миллион долларгача ҳақ олди. Чак Норрис Оклахома штатининг Риана шаҳрида индеецларнинг Черокий қабиласидан бўлган Карлос Рэй билан ирландиялик инглиз Рэйхоним оиласида дунёга келди. Оила бадавлат бўлмасида ахир ҳаёт кечиради. Чак ҳамон оилага меҳрини сақлаб қолган онасини ўз хонадонидан авайлаб парвартиш қилмокда.

Норриснинг энг яхши фильмлари — «Қора кийимлик ажойиб йигитлар»,

«Саккиз бурчак», «Унсиз қаҳр», «АҚШга босқин», «Дельта» ва «БЗ» курулли отряди» фильмларидир. Дунёдаги машҳур артистлардан бирортаси жанговар лавҳаларни Норрисчалик маҳорат билан акс эттира олмайди. Масалан, «Тинчлик коди» лентасида Норрис полициячи Эдди Кусак ролини бажариб, ниҳоятда машҳур бўлиб кетди. Бу картина казинодаги катта жанговар лавҳадан иборат. Чак (Эдди) 20 дан ортик муттаҳамга қарши чиқади ва ҳаммасини бир зумда дабдала қилиб ташлайди. Бу ишларни у ниҳоятда зўр маҳорат ва қуч билан, факат Норрисга ҳос мушт зарбаси билан бажаради.

1968 йилда Чак каратэ бўйича профессионал спортчиларнинг жаҳон чемпионатида ўрта вазниклар орасида голиб чиқади. 1969 йилда «Қора белбоғ» журнали уни ўша йилдаги энг мохир жангчи деб атади. Ўша йили Чак кейинги йиллардаги қараганда анча кўп галаба қозонди. Аслида у 1968 йилгача курашни давом эттирди ва бирор марта мағлуб бўлмади, 1974 йилда ҳам у спортни тарк этмади.

Чак каратэ санъатини Кореяда жойлашган Ҳарбий ҳаво қўшинларида хизмат қилаётганида ўрганди. У корейча жанговар санъатининг таңғеуда ва таэквандо турларини муқаммал эгаллаб, ҳар иккала тур бўйича «Қора белбоғ» соҳиб бўлган. У бирварақай ўн нафар йигитни қалтаклаётганида ҳам, ердан 300 метр баландликда бемалол ҳавода сузиб юрганида ҳам, Чикаго кўпригидан сакраётганида ҳам зўр маҳорат намоён қилади. Аммо у қоматини доимо

яхши сақлашга ва жанг санъатини тақомиллаштиришга интилади. Бундан илгари Норрис ҳаётида ажойиб бир воқеарўй берган эди. Бир вақтлар Чак каратэ бўйича 30 та мактабнинг эгаси эди ва 35 ёшга тўлганида студент Макквин маслаҳати билан машғулотларда яна иштирок эта бошлади.

Чак Норрис экранда ҳамма ҳаракатларни худди ҳақиқий ҳаётда бўлаётгандек бажариб, томошабин ишончига эришган. Бу эса тасодиғий эмас. «Ҳаракат ва зўравонлик аини бир нарса эмас — деб таъкидлайди, у — мен қон тўкилишини ва кинематографияда ҳам беҳуда қон тўкилаверишини ёқтирмайман. Мен санъаткорона мушглашишга ва курашни шиддат билан ўтказишга ҳаракат қиламан. Бу нарса ҳеч қачон ўз кучини писанда қилишга ўхшамайди».

Чак ўзининг онлавий ҳаёти ҳақида ҳам очик гапириверади. «Биринчидан, мен садокатга ишонаман, — дейди у. — Иккинчидан, беҳуда гапиривериш аҳмоқлик ва зарарлидир, учинчидан эса, бирор ноҳўя ишимдан хотиним хабардор бўлиб қолса нима деган бўламан?» Бу бизнинг замонамиз одамлари учун гоёт хикматли фалсафадир.

Чак ҳафтасига олти кун машқ билан шуғулланади. Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари зўр бериб машғулот ўтказгач, бир-икки соат давомидан Ховард билан каратэ курашига тушади ва шундан кейин дарҳол ўзига ҳос туркумдаги машқлар билан шуғулланади. Бу туркум бир жойда турадиган велосипедда 12 минут юришдан бошланади, сўнгра 12 минут «югурувчи йўл», «ундан кейин 12 минут эшқакли тренажерда, охирида эса яна 12 минут бир жойда турувчи велосипедда машқ ўтказилади. Аслида ана шу икки ярим соат давомидан Чак тинимсиз югуриш ҳолатида бўлади. Лекин бунинг узи билангина кифояланмайди.

Сўнгра Чак бир дақиқада 42 зарб бериш машқини бошлайди. Биз амин-миқки, бирор киши Чак машқларининг лоқал ярминини бажарса, ҳолдан тойиб йиқилиб қолиш ҳеч гап эмас.





Ҳажвия

Куни кеча идорага яна янги бир рахбар тайинланди. У ишга келган биринчи кунлик хузурига Норали кириб келди:

— Мумкинми, Исмат Хўжаевич?

— Келинг!— Янги директор ўрнидан туриб кутиб олди.— Эшитаман, кулоғим Сизда!

Норали Исмат Хўжаевичнинг қўлларини олар экан:

— Янги иш билан табриклайман! Аввалги директоримиз ўта бемаъни одам эди. Мана энди рахбарга ёлчидиган бўлди. Раҳмат! Сизнинг кулингиз бўлай. Эшигингиз тагига боғлаб кўйган итингиз бўлай! Сизни пойлаб ётай, — деди бидирлаб.

Бу гаплардан энсаси котган янги директор:

— Утиринг,— деди хушламайгина.

Норали зипиллаб директорга якин турган курсига ўзини ташлади:

— Раҳмат, минг раҳмат, хурматли Исматжон ака!

— Хўш, хизмат?— деди директор.

Рахбарнинг бўшашидан фойдаланган Норали мақсадга кўчиб кўя қолди:

— Гап бундок, хўжайин. Идорадаги ходимларнинг барини ипидан-игна-сигача беш панжадай биладиган фақат менман. Ким сизни ёклаши мумкин, ким сизга қарши курашади, ҳаммасини биламан.

Директор хўзурига биринчи марта кириб, бу одамнинг гапларига дуруст-роқ тушуна олмай ўтирарди.

— Энг аввало, шуни айтиб қўяй: план бўлимнинг бошлиғи ичади, кунда ичади, молия бўлимнинг бошлиғи ўта мансабпараст, шу директорлик ўрнини олиш учун роса курашди, аммо эплай олмади. Мана сиз келдингиз,

жуда яхши бўлди-да, хўжайин. Ўзи роса харажат қилган бўлсангиз керагов! А, лаббай?! Яна... Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўта дангаса. Ҳеч иш қилмай мояна олиб ётади. Ўринбосарингиз эса лақма, ҳар кимнинг гапига ишонаверади. Яна ким қолди, ха-ха коровул Эшмат бобо. У чолга ҳам кўпам ишониб бўлмайди. Хўжайин, ҳозирча шулар етар. Қолганини... шу ердамиз-ку. Ими-жими-да... Хўп, хайр!

Ўзини тутиб олган директор Норалини тўхтатди:

— Хўш, ўзингиз ким бўлиб ишлайсиз?

— Боя айтдим-ку, мен сизнинг эшигингиз тагига боғланган итман, деб. Тузукрок ишга ўтказиб кўйсангиз, асло унутадиган номардлардан эмасман, хўжайин! Сизга ҳали кўп керак бўламан!— Норали эшик томон юра-бошлади.

— Мени «хўжайин» деманг, ўзимнинг исмим бор,— деди директор аччиқлашиб.

Бу гапни эшитган Норали томоқ кириб олди-да, директорга юзланди:

— Узр, Исмат Хўжаевич! Аввалги директоримиз «хўжайин» деган сўзни ёктирарди. Шунинг учун янглишиб кетибман, хўжайин!

— Гап бундок, оғайни,— деди директор.— Янги бир штат очамиз. Бу — югурдаклик. Ўшанга сизни ўтказиб қўямиз. Жуда муносиб номзод экансиз!.. Қани энди сизга рухсат, чикинг! Норали ташқарига отилди.

— Янги директор ҳам бемаъни одам экан-ку,— дерди ўзича атрофга аланглаб. Бу ахволда узокка бормаиди. Ха, гапимизга кирмасе шундай...

ТЎЛҚИН.

Афанди кўп қаватли уйда яшайдиган ўғлини кўргани келиб, эшагини дарахтга боғлаётган эди, шаҳар қовдасини билмайдиган ҳанги бирдинига ҳанграб юборди. Ховлида итларини сайр қилдириб юрган хонимчалардан бири Афандига ўшқирди:

— Қанақа маданиятсиз одамсиз, бобой, овозини ўчиринг буни.

Афанди бошини сарак-сарак қилди:

— Сенлар уйда ит боқиб,

ақиллатиб юрсанг, майли-ю, менинг эшагим бир марта ҳанграса маданиятсиз бўлдимми?!


Афандининг қизига совчи келганди, тантиқ қиз ер тепинди:

— Эрга тегмайман, маммага ёстиқ бўламан!

Афанди кулди:

— Мамангага ўзим кислород ёстиқ топиб келаман, хўп деявер, қизим.

Абдулла ИСОМИДДИН.



Ҳеч бўлмаса галма-гал гапирайлик.

Р. АЛЪБЕКОВ сурати.

ФАРДЛАР

Шогирддан ҳамиша кўради эъзоз,
Қизганмай ўргатса ҳунарин устоз.

Кимки сидқидилдан ўрганса ҳунар,
Топар қасб-коридан ўзи, эл самар.

Бутун насибадан бўлиб баҳраманд,
Мухтожлик дардини чекмас ҳунарманд.

Ҳунарманд кўлида сайқал топар тош,
Ҳунарманд олдида шоҳ ҳам эгар бош.

Шариф ШЕРРИЕВ,
ўқитувчи.

КЕЛИНГ,
БИР КУЛИШАЙЛИК

— Биласанми, дўстим, қандай даҳшат: бир сўз айтганим учун хотиним мен билан бир ойдан бери гаплашмаяпти.

— Вой, қанақа экан ўша сўз?

— Дугонажон, эринг уйга қайтмаган кунлар бўлганми?

— Тўйимиздан кейин фақат бир марта бўлган эди. Лекин ишонаман, у албатта қайтиб келади.

Судья сўради:


— Гражданин, сиз маст ҳолда театрга кирмоқчи бўлганингизни бўйингизга оласизми?

— Албатта, агар маст бўлмаганимда бу фикр ҳаёлимга ҳам келмас эди.


Тўпловчи: Мўмин ҚАЮМОВ.

Латифалар


Рассом хандаси



Ия, «ишни» энди қандок битирдим-а?!



— Севади
— Севмайди...



Қозонга яқин юрсанг...

Олимжон ХОЛИҚОВ чизган расмлар.

Ойнаи жаҳонга

(10—16 февраль)

ДУШАНБА

УзТВ I
18.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 18.10 «Қоғоз соатлар майдониди». Мультфильм. 18.30 «Фармон ва ижро». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 Охунжон Мадалиев куйлайди. 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.10 «Тадбиркорлар ҳузуриди». 20.25 «Санъат — қалб осмони». Мусаввир Маҳмуд Жўраев. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Жаҳонга йўл». Дўстлик ризталари. 21.55 «Ойнаи жаҳон» бисоти: «Сумалак» ракс ансамблининг концерти. 22.25 «Шароитга қараб иш тут». Бадий фильм.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум!» (такрор). 19.30 «Билиб қўйган ахши». 19.45 «Мафтункор Маркакол кўли». Телефильм. 20.00 «Чорвадор». 20.30 «Лаҳза». Хабарлар. 20.40 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.55 «Зиёкор». 21.35 «Ворис». Бадий фильм. 23.00 «Лаҳза». Хабарлар.

ОРБИТА IV
18.00 Янгилликлар. 18.20 «Тапион хоним». Телевизион бадий фильм. 19.45 «Вақира-вукор курбақа». Мультфильм. 19.55 XVI киши олимпиада ўйинлари. Қонькида югуриш спорти. 500 м. Хотин-қизлар. 21.00 Янгилликлар. 21.20 «Янги студия» таништиradi: «Монтаж», «Ўзим сари йўл», «Бироқ...». 23.35 XVI олимпиада ўйинлари. Хоккей. МДХ — Норвегия терма командалари. 2 ва 3-даврлар. 00.55 А. Баянова концертида.

ДУБЛЬ IV
18.00 Хабарлар. 18.20 «Қирралар». Бадий-публицистик кўрсатув. 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер». 19.25 Киши олимпиада ўйинлари. Фигуралли учиш. Жуфт бўлиб учиш. Оригинал программа. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Хар куни байрам». 24.00 «Бешинчи гилдирак». Бадий-публицистик кўрсатув.

ЧОРШАНБА

УзТВ I
18.00 Хабарлар. 18.20 «Қирралар». Бадий-публицистик кўрсатув. 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер». 19.25 Киши олимпиада ўйинлари. Фигуралли учиш. Жуфт бўлиб учиш. Оригинал программа. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Хар куни байрам». 24.00 «Бешинчи гилдирак». Бадий-публицистик кўрсатув.

СЕШАНБА

УзТВ I
18.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 18.10 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Жажжинга юракнинам». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Суянчим — шезьянт». Куброхон Раҳимов. 19.45 «Тошкент». «Ўзбек-телефильм» премьераси. 19.55 «Спортлото». 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.10 «Чашма». Халқ ижодиёти. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Халқ ноиб минбари». Ҳамза Эшназаров. 21.35 «Хотира». Собир Раҳимов таваллуҳининг 90 йиллигига. «Генерал Раҳимов». Бадий фильм.

УзТВ II
УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ
10.30 Информатика. Такрорлаши жараёнлари. 11.00 «Севги лаҳзалари». Фильм-концерт. 11.30 «Тасвир санъат». Шарқ миниатюра мактаби.
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Йўлдаги йўллар». «Биринчи қадам». Телефильмлар. 19.10 «Кизикарли учрашувлар». 20.30 «Пульс». Хабарлар. 20.40 Тошкент ҳокимияти раҳбарлари билан учрашуви. 22.00 «Пульс». Хабарлар. 22.10 «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV
6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильм. 8.50 XVI киши олимпиада ўйинлари. Хоккей. МДХ — Норвегия терма командалари. 2 ва 3-даврлар. 10.10 «Олтинчи палата». Телеспектакль. 11.40 Мультфильм. 12.00 Янгилликлар. 12.20 Элисо Вирсаладзе концерти (фортепиано). 13.15 «Дельта». Телефильм премьераси «Она замин ташвишида» туркумидан (Олмаота). 14.00 Владимир Шахрида ракс байрами. 1-кисм. 15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 Ритмик гимнастика. 15.50 «Савдо растанаси». 16.05 «Ен дафтар». 16.10 «Бу сизга керакми?». 16.20 «Ольга Ивановна сабоқлари». 16.35 XVI киши олимпиада ўйинлари. Чана спорти. Хотин-қизлар. 17.10 «Урмон эртаклилар». Мультфильм. 1-фильм. 17.20 «Баҳорат». 17.45 «Урмон эртаклилар». Мультфильм. 2-фильм. 18.00 Янгилликлар. 18.20 «Доло». 18.40 Рукин премьераси. «Фер-

мата». Муסיкий-ахборот кўрсатуви. 19.15 Режиссёр Г. Данелия фильмлари. «Афоня». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.25 XVI киши олимпиада ўйинлари. Хоккей. АКШ — Германия терма командалари. 2 ва 3-даврлар. 23.00 «Телевизион танишув». Урмас Отт Леонид Кравчук билан суҳбатлашди. 23.55 «Навбат сизга, артист». Е. Ласько.

ДУБЛЬ IV
17.05 «Қирралар». Бадий-публицистик кўрсатув. 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 «Мансаб алифбоси». 18.40 Россиянинг парламент хабарномаси. 18.55 «Инсон манифести». 19.35 «Мени юқорига узатишди». 20.20 Киши олимпиада ўйинлари. Фигуралли учиш. Спорт жуфтлари. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Анонс». 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Хар куни байрам». 23.10 «Петербург афсонаси». 1-кўрсатув. 24.00 «ХА, президент. Йўқ, президент». (Сийсий партиялар раҳнамолари Россия телевидениесида). 00.55 Джаз-клуб.

ПАЙШАНБА

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 «Анъаналар — халқ мулки». Кинопрограмма. 9.00 Такрорий фильмлар экрани. «Тугилсин ва зарарсизлангилсин». Бадий фильм. 10.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». 2-фильм «Тонги кўшик». Мультфильмлар. 18.35 «Фикрлар тўқнашганда». 18.55 Тижорат хабарлари. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Алифбо сабоқлари». 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.10 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув. 20.40 Дутор ва танбур тароналари. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — актининг кўзи». 22.20 «Мевлуднинг боши учун беш минг сўм». Бадий фильм.

УзТВ II
УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ
10.30 Ўзбек адабиёти. 11.00 «Етти ўлчаб, бир кес». Телефильм. 11.30 Уқитувчилар иш тажрибасидан.

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Ешлик кечинмалик». Телефильм. 19.00 «Бу оқшомда». 20.30 «Пульс». Хабарлар. 20.40 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 21.40 Биржа янгилликлари. 21.55 «Пульс». Хабарлар. 22.05 «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV
6.00 «Тонг». 8.35 «Ау бобо». Мультфильм. 8.55 XVI киши олимпиада ўйинлари. Хоккей. МДХ — Чехословакя терма командалари. 2 ва 3-даврлар. 10.15 «Мен ҳам қўшиқ куйлайин». Қисқа метражли телевидеия бадий фильм. 11.05 «Болалар муслиқий клуби». 12.00 Янгилликлар. 12.20 «Телевикст». 13.05 «Бугун ва уша пайларда...» 13.35 «Қарагайзордаги брусника». Телевизион бадий фильм. 2-серия — «Егоровлар». 15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 «Инсон ва қонун». 16.00 XVI киши олимпиада ўйинлари. Чанги спорти. 10 км. Эркаклар. 17.40 С. Франк. Орган ижроси учун 3-хорал. 18.00 Янгилликлар. 18.20 «XX аср солдатлари урушга қарши халқаро телемарафонига». 18.30 «Монте-Карлода жаҳон муслиқий соврини». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.20 Экранда биринчи марта. «Осмон ерга ястанган жойда». Бадий фильм («Форафильм» студияси). XVI киши олимпиада ўйинлари. 22.40 Чанги спорти. 5 км. Хотин-қизлар. 23.35 Қонькида югуриш спорти. 5000 м. Эркаклар. 00.10 Хоккей. Тахминий турнир матчи. Танаффус пайтларида — «Криминформ» хабар қилади.

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Ишбилармон кишилар даври. 9.50 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.00 «Телеаасамблея». 13.30 «Простор плюс». 14.00 Киши олимпиада ўйинлари. Биатлон. Эстафета. (Хотин-қизлар). 16.00 «Россия маданиятига ким ёрдам беради!». 16.15 Россиянинг парламент хабарномаси. 16.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 17.00 Компьютер билан мuloқот. 17.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.45 «Россиясига ҳусуслилаштириш». 18.00 Хабарлар. 18.25 «Остоженколик мусаввир». Валентин Леонов. 18.55 «Версия». 19.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Дикчат, сувартага олапман». 19.25 Киши олимпиада ўйинлари. Фигуралли учиш. Оригинал программа. (Эркаклар). 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 24-серия. 23.50 «K-2» таништирадиди: «Бизларни билиб қўй» киновикторинасида. «Коронка» кўрсатуви, бадий фильм.

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.20 Киши олимпиада ўйинлари. Ички кураш. 15 км. 10,45 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.15 Тоғ чангиси. Тез тушиш. 12.15 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 13.15 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 13.30 «Қўли гул хонимлар». (Демковск ўйинчоқлари). 13.55 Деҳқонлар кўргони. 14.20 «ХА, президент. Йўқ, президент». (Сийсий партиялар раҳнамолари Россия телевидениесида). 15.15 «Очиқ шаҳар». 16.00 «Чумакни» фольклор ансамбли. 16.25 «Бешинчи гилдирак». 17.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.35 «Россия билан юзма-юзи». 18.00 Хабарлар. 18.20 Махсус тижорат хабарномаси. 18.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 19.00 Россия ҳомиёлари. 20.00 Киши олимпиада

спортлари. 1500 м. Хотин-қизлар. 00.10 Хоккей. МДХ — Чехословакя терма командалари.
● «ДУБЛЬ IV»
17.05 «Қирралар». Бадий-публицистик кўрсатув. 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 «Мансаб алифбоси». 18.40 Россиянинг парламент хабарномаси. 18.55 «Инсон манифести». 19.35 «Мени юқорига узатишди». 20.20 Киши олимпиада ўйинлари. Фигуралли учиш. Спорт жуфтлари. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Анонс». 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Хар куни байрам». 23.10 «Петербург афсонаси». 1-кўрсатув. 24.00 «ХА, президент. Йўқ, президент». (Сийсий партиялар раҳнамолари Россия телевидениесида). 00.55 Джаз-клуб.

ўйинлари. Слалом. Комбинация (Хотин-қизлар). 20.55 «Хар куни байрам». 21.10 Киши олимпиада ўйинлари. Фристайл. Могул (финал). 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги.

ЖУМА

УзТВ I
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 «Тихвин манзаралари». «Яшил китоб». Телефильмлар. 9.00 «Милциядаги ҳодиса». Бадий фильм. 10.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 18.10 «Дадамнинг ўрнида бўлганимда эди». Мультфильм. 18.30 «Фан ва деҳқончилик». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.30 «Қадрият». 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.10 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда». 20.45 Биржа янгилликлари. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Мерос». Заҳриддин Мухаммад Бобур. 22.20 «Урдак кўли воқеаси». Кинокомедия.

УзТВ II
10.30 Ботаника. Мураккаб гулдошлар. 11.00 «Она табиат». Кинопрограмма.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»
6.00 «Тонг». 8.35 «Хўрозча Гок ва айёр сиққонлар». Мультфильм. 8.45 XVI киши олимпиада ўйинлари. Хоккей. Тахминий турнир матчи. 2 ва 3-даврлар. 10.05 «Осмон ерга ястанган жойда». Бадий фильм. 11.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.00 Янгилликлар. 12.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 13.20 «Шифобахш сувлар ўлкасида». Телефильм премьераси (Владикавказ). «Экранда Сибирь». Киножурнал. 14.00 «Адиген» ансамбли ижро этади. 14.25 «Ен дафтар». 14.30 «Бридж». 14.45 «Бизнес-класс». 15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 Мультфильм. 15.30 Сизни Лариса Рубальская таклиф этади.

18.00 Янгилликлар. 18.20 XVI киши олимпиада ўйинлари. Чана спорти. Ички киши бўлиб учиш. 18.45 «Инсон ва қонун». 19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телевидеия бадий фильм премьераси. 6-серия. 19.50 «ВИД» таништирадиди: «Мўъжизалар майдониди». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.20 XVI киши олимпиада ўйинлари. Хоккей. МДХ — Франция терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида — Чана спорти. Ички киши бўлиб учиш. 23.00 «ВИД» таништирадиди: «Эльдорадо», «Шоубиржа», «Хит-конвейер». XVI киши олимпиада ўйинлари. 00.30 Трампиндан сакраш. 120 м. 01.20 Қонькида югуриш спорти. 1000 м. Хотин-қизлар.

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Ишбилармон кишилар даври. 9.50 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.00 «Телеаасамблея». 13.30 «Простор плюс». 14.00 Киши олимпиада ўйинлари. Биатлон. Эстафета. (Хотин-қизлар). 16.00 «Россия маданиятига ким ёрдам беради!». 16.15 Россиянинг парламент хабарномаси. 16.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 17.00 Компьютер билан мuloқот. 17.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.45 «Россиясига ҳусуслилаштириш». 18.00 Хабарлар. 18.25 «Остоженколик мусаввир». Валентин Леонов. 18.55 «Версия». 19.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Дикчат, сувартага олапман». 19.25 Киши олимпиада ўйинлари. Фигуралли учиш. Оригинал программа. (Эркаклар). 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 24-серия. 23.50 «K-2» таништирадиди: «Бизларни билиб қўй» киновикторинасида. «Коронка» кўрсатуви, бадий фильм.

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 «Сиз яратган боғ». 9.20 Мультфильм. 9.30 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 10.00 «Тўхталган вақт режимида шоу томошалари».

10.55—15.00
УЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING
«ДУСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ
15.00 «Чистие прудидаги уй». Р. Биков маркази. «Кобрин мактаби». Бадий фильм. 16.50 «Ўз кўнгироқхонасида». 17.10 «Авлодлар». Телевизион туркум премьераси. 7-фильм — «Бени-тани». 17.30 «Босконинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 18.00 Хабарлар. 18.20 Битим издан «500 орқали 500». 19.00 «Познер ва Донахью». АКШдан ҳафталик кўрсатув. 19.55 Киши олимпиада ўйин-

лари. Тоғ чангиси. Тез тушиш. (Хотин-қизлар). 20.50 «Хар куни байрам». 21.00 Пепси Вайрдиннинг концерт программаси. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги.

УзТВ II
АШХОБОД КЎРСАТАДИ
11.05 «Менга қарата олма от». Қисқа метражли телевидеия бадий фильм. 11.40 «Хўжа Насриддин». Мультфильм. 12.00 Спорт кўрсатувлари. 12.20 Телефильмлар. 12.55 «Оба дурмуши». Қишлоқ меҳнатқиллари учун кўрсатув. 13.55 «Цирк артистининг бир куни». Телефильм. 17.05 «Фан ва давр». 17.50 «Қўхна вулкан этакларида». Телефильм. 18.05 Янгилликлар. 18.15 «Етгинджек». 19.15 «Чупон таёғи ерда қолмасин». Хужжатли фильм. 19.30 «Мустақил Туркманистон одимлари». 20.00 «Туркманистон» (рус.). 20.15 Кичкинтойлар, сизлар учун. 20.30 «Ватанпарвар постини». 21.00 «Туркманистон». 21.30 «Едиген». Адабий кўрсатув. 22.30 Туркманистон ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қўхна тоғлар сирин». Бадий фильм. 23.40 Янгилликлар.

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.30 Тонги муслиқий кўрсатув. 9.00 «Маркази». 10.00 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлар IX халқаро фестивали (Белорусь). 10.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 12.20 XVI киши олимпиада ўйинлари. Хоккей. Чехо-словакия — Канада терма командалари. 2 ва 3-даврлар. 13.30 Янгилликлар. 13.50 XVI киши олимпиада ўйинлари. Чанги спорти. 15 км. Эркаклар. 15.15 «ЭХ». Экологик хроника. 15.30 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига. 15.55 «ЖАР. Утмиш билан хайрлашув». 16.50 XVI киши олимпиада ўйинлари. Чанги спорти. 10 км. Хотин-қизлар. 18.00 «Зазеркалье». «Узун сочли гузал Варвара». Бадий фильм. 19.35 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 20.00 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.25 XVI киши олимпиада ўйинлари. Хоккей. Финляндия — Швеция терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида — Қонькида югуриш спорти. 500 м. Эркаклар. 23.00 Экранда биринчи марта. «Атиргул тутган офицер». Бадий фильм (Югославия). 00.45 «КВНнинг учинчи фестивали».

ОРБИТА IV
8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Эрта сахарлаб». 9.30 «Пил» белгиси билан. 10.00 «Тонг юлдузи». 10.50 «Борис Пастернакни эслаб». Илмий-оммабоп фильм премьераси (ЦНФ). 12.20 XVI киши олимпиада ўйинлари. Фигуралли учиш. Эркин программа. 13.20 «Бойлар ҳам йнғлайди». Кўп серияли телевидеия бадий фильм премьераси (Мексика). 14.05 «Марафон-15». 15.00 Янгилликлар. 15.20 «Уолт Дисней таништирадиди...» 16.10 «Саёҳатчилар клуби». 17.15 Эфирда бевосита мuloқот. 17.55 XVI киши олимпиада ўйинлари. Бобслей. Ички киши бўлиб учиш. 18.45 «Телеоция». 19.00 Янгилликлар. 19.15 «Бир кўршида муҳаббат». 2-кун. 20.00 Яқшанба кинокўрсатувлари. «Ез тундаги туш». Бадий фильм (АҚШ). 22.00 Яқунлар. 22.45 «Астра» таништирадиди: «Донской...» XVI киши олимпиада ўйинлари. 23.45 Қонькида учиш. 1500 м. Эркаклар. 00.10 Хоккей. МДХ — Канада терма командалари. Танаффус пайтида — Қонькида югуриш спорти. 1500 м. Эркаклар.


ОРБИТА IV
8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 «Сиз яратган боғ». 9.20 Мультфильм. 9.30 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 10.00 «Тўхталган вақт режимида шоу томошалари».

10.55—15.00
УЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING
«ДУСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ
15.00 «Чистие прудидаги уй». Р. Биков маркази. «Кобрин мактаби». Бадий фильм. 16.50 «Ўз кўнгироқхонасида». 17.10 «Авлодлар». Телевизион туркум премьераси. 7-фильм — «Бени-тани». 17.30 «Босконинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 18.00 Хабарлар. 18.20 Битим издан «500 орқали 500». 19.00 «Познер ва Донахью». АКШдан ҳафталик кўрсатув. 19.55 Киши олимпиада ўйин-

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 «Сиз яратган боғ». 9.20 Мультфильм. 9.30 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 10.00 «Тўхталган вақт режимида шоу томошалари».

10.55—15.00
УЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING
«ДУСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ
15.00 «Чистие прудидаги уй». Р. Биков маркази. «Кобрин мактаби». Бадий фильм. 16.50 «Ўз кўнгироқхонасида». 17.10 «Авлодлар». Телевизион туркум премьераси. 7-фильм — «Бени-тани». 17.30 «Босконинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 18.00 Хабарлар. 18.20 Битим издан «500 орқали 500». 19.00 «Познер ва Донахью». АКШдан ҳафталик кўрсатув. 19.55 Киши олимпиада ўйин-

«Ишонч» ҳафталик газетаси муҳарририяти жамоаси газета ходими, шоир Тўлқин Имомхўжаевга ҳаёбда ибратомуз умр кечирган, маҳалла-қўй ўрта-сида катта ҳурмат-эътибор топган волидан муҳтарамаси
Санобар ая МАХСУДХУЖА қизининг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради, онла аъзоларига сабр-тоқат тилайди.



Саргузаштлар музейи



● ДРЕЗДЕНДАН унча узок бўлмаган Радебойль шахрида саргузаштлар музейи ишлаб турибди. Хиндулар ва овчилар хақидаги кўплаб саргузашт романлар автори, машхур немис ёзувчиси Карл Мей бу жойларда 1896 йилдан 1912 йилгача яшаган. Музей залларидан милтиқлар, хиндуларнинг ва Америкага борган дастлабки оқ одамларнинг рўзгор буюмлари, турли саргузашт китоблар ўрин олган.

Булутлар коллекцияси

● ОЛМОНИЯНИНГ КАРЛСРУЭ шахрлик Юрген Болц ўн икки йилдан бери булутларни йиғади. Аниқроқ килиб айтадиган бўлсак, турли шакл ва кўринишда бўлган булутларнинг суратини олади. Болыда хозир турли фантастик кўринишларни акс эттирувчи 120 га яқин фотосурат бор. Барча суратлар маҳорат билан ишланган. Улар орасида Ф. Шиллер, Данте, Искандар Зулкарнайн каби буюк зотларнинг ён томондан кўринишлари каби шаклдаги булутлар ҳам бор. Шер калласи, сакрашга шайланиб турган коплонни «Хайвонлар» бўлимида, Кипр, Баффинов бир кисми» бўлимида кўриш мумкин. Шаҳардаги кўрғазмада намойиш қилинган бу расмлар томошабинлар ва малакали суратчилар томонидан юкори баҳоланган.

Сояга ўтинг!

● АМЕРИКАНИНГ БОЙТЕН Бич шахрида яшовчи Роберт Марч денгиз соҳилида чўмилиб дам олаётганларни соя жойга ўтишлари хақида огоҳлантирувчи махсус газмол яратди. Газмолга куёш радиацияси миқдорига қараб рангини ўзгартирадиган кристаллар кўшиб тўқилган.



Касби — кутқарувчи

● КАМЕБ касблар орасида хозир ҳам мушук кутқарувчилик касби учраб туради. Нью-Йоркдаги жониворларни муҳофаза қилиш коммунал бошқармасида хизмат қиладиганларнинг касблари худди ана шундай. Хар йили улар икки мингдан ортик мушукларни кутқариб қолишади. Уларнинг ишларида жиддий кийинчиликлар ва ҳавфли пайтлар тез-тез бўлиб туради: мушукка ёрдам бериш учун улар ўзларини машина тагига ҳам, канализация қудуқларига ҳам ташлайдилар, томдан-томга сакраб ўтадилар.

Электрон изкувар



● ПОЛИЦИЯЧИЛАРНИНГ ҳаракатдаги автомашиналар номерига қарашлари Токиодагидек шаҳарларда ўзи бўлмайди. Эндиликда бунинг учун уларга «ўқишни» билдиган ва табиийки автомобиль номерларини ёдда саклайдиган компьютерлар ёрдам бермокда. ЭХМга полиция қидираётган машиналар рўйхати жойланади. Агарда компьютернинг кўриш майдонида қидирилатган автомобиль пайдо бўлса, ЭХМ ўша дақиқадаёқ бу ҳақда полиция маҳкамасига хабар беради. Бу электрон «изкувар» соатига юз километр тезликда кетаётган машиналарнинг ҳам номерини бемалол илғаб олади.

Семириш ва озиш бўйича рекорд

● АМЕРИКАЛИК УОЛТЕР Хадсон дунё рекорди ўрнатаман деб олдин ҳеч ўйлаган эмасди. У фақат тўйиб овқат ейишни яхши кўрарди. Аста-секин у 544 килограмм тош босиб, сайёрамиздаги энг оғир одамга айланди. Натижада унинг номи «Гинненинг рекордлар китоби»дан ўрин олди.


Бу рекорд ўз ҳолича-ку, лекин Уолтер ниҳоятда қийин аҳволда қолган: у бирорта одамнинг ёрдамисиз ўрнидан туролмасди, турса ҳам юролмасди. Ҳатто эшикка ҳам сиғмай қолганди.

Уолтер кейинчалик яна рекорд ўрнатди — бу озиш бўйича эди. У эринмай уч йилгача парҳезда бўлган, натижада вазни 236 килограммга тушган ва 18 йил мобайнида биринчи марта кўчага чиққан. Кейинчалик парҳез жонига тегиб, ундан воз кечган.

Яқинда у юрак хасталиги туфайли вафот этди. Дафн маросими пайтида яна бир муаммо пайдо бўлди — Уолтернинг жасади ҳеч бир эшикка сиғмасди.



Бирма. Мамлакатда қадим пайтларданок турли хил катталиқдаги Будда ҳайкаллари юксак дид билан ясалган. Улардан бири Пегу шахрида ўрнатилган баҳайбат Буддасидир. Ҳайкални вақт-вақти билан тозалаб туриш хизматчидан ўта эҳтиёткорлик билан бирга жасурликни ҳам талаб қилади.



● ХИНДИСТОННИНГ Патна шахри марказидан унча узок бўлмаган жойда баландлиги 30 метр бўлган гумбазсимон иншоот қад ростлаб турибди. У 1784 йилдаги очарчиликдан кейин дон сақлаш учун қурилган омбордир. Елкаларига қоп ортган юкчилар айланма зинапоялардан юкорига кўтарилиб донларни омборга тўқишган.

Спорт

Тармоқлараро беллашув

● ҚЎХНА Бухородаги «Спартак» стадионида қасаба уюшмаларининг тармоқлараро спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда тармоқка-

саба уюшмалари вилоят қўмиталарининг вакиллари волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, 4×100 метрга эстафета, узок масофага югуриниш — энг оммавий спорт турларида ўзаро куч синашдилар.

Уч кун давом этган мусобақаларда халқ маорифи

ҳодимлари қасаба уюшмаси вилоят қўмитаси вакиллари голиб чиқдилар. Тўқимачилик ва энгил саноат тармоғи вакиллари — иккинчи, маданият ходимлари — учинчи, деҳқончилик саноат мажмуи вакиллари — тўртинчи ўринни эгалладилар.

Спартакиада доирасида

онлавий командалар чиқишлари олқишлар билан қутиб олинди. Ота, она ва фарзандлар онла аъзоларига мослаб тузилган, бир мунча содда программада куч синашдилар.

Маҳмуд ЭРАЛИЕВ «Ишонч» муҳбири



Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АҚРОМОВ (масъул котиб), Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош муҳаррир муовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё ТУЛАГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ (бош муҳаррир муовини), Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовинлари — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибият — 56-87-59



БЎЛИМЛАР:

● Қасаба уюшмаси ва иқтисодий ҳаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва қонунчилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва табиат — 56-82-79

● Хатлар ва оммавий ишлар — 56-87-78

● Безатиш ва суратқашлик — 56-85-79

● Тижорат, ҳамкорлик ва тadbirkorlik — 56-87-73

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари — 56-87-74

● Муҳарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақоалалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Якка тартибда йналик обуна нархи 26 сўм 04 тийин, индекси 64560

Корхона ва муассасалар учун обуна нархи 36 сўм 48 тийин, обуна индекси — 64561

Сотувдаги нархи 1 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиш учун 1992 йил 7 февралда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Болтабой Юсупов, Шавкат Кулибоев

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № 236

● 133.516 нусхада босилди. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12